

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ЎзДЖҚА” КАФЕДРАСИ

**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ЖИЗЗАХ- 2010

Аннотация

Ушбу услубий қўлланмада, педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлиги, ижтимоий фанларнинг энг навқирони, “Маданият-шунослик” ўқув дарси мисолида педагогик технология қонуниятларидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштирилган тажриба-синов таълим технологияси келтирилган.

Мажмуа “Маданиятшунослик” фанини ўқитишдаги барча олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тузувчи: ассистент.К.Файзуллаева.

Такризчилар:

Фалсафа фанлари номизоди доц.Н.Хатамов

Фалсафа фанлари номизоди доц.Қ.Уралов.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	5
“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	6
1. “Маданиятшунослик” фанининг долзарблиги ва ўқитиш структураси.....	7
2. “Маданиятшунослик” фанининг мазмуни.....	10
3. “Маданиятшунослик” фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.....	17
МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	21
1-мавзу. Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари. “Маданият” тушунчаси талқини	
1.1. Кириш-мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологияси.....	22
2-мавзу. Маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари	
2.1. Мавзу бўйича информацион-кўргазмали маърузани олиб бориш технологияси.....	32
2.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	41
3-мавзу. Маданиятшунослик ва жаҳон маданияти масалалари. Архаик (ибтидоий) маданият	
3.1. Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган	

маърузани олиб бориш технологияси.....	44
3.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	50
4-мавзу. Анъанавий маданият	
4.1. Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган бахс-мунозарали маърузани олиб бориш технологияси.....	56
4.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	60
5-мавзу. Маданиятшунослик ва диний маданият.	
Техноген маданият ва унинг моҳияти	
5.1. Мавзу бўйича Б/Б/Б таблицасидан фойдаланилган холда информацион маърузани олиб бориш технологияси.....	65
5.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	69
6-мавзу. Ватан маданияти тарихи. Марказий Осиё	
халқларининг қадимги маданияти	
6.1. Мавзу бўйича конференция маърузани олиб бориш технологияси.....	73
6.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	79
7-мавзу. IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври маданияти	
7.1. Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган маърузани олиб бориш технологияси.....	83
7.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	89
8-мавзу. Темур ва темурийлар даври маданияти	
8.1. Мавзу бўйича бахс-мунозарали маърузани олиб бориш технологияси.....	95
8.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Муаммоли амалий машғулот технологияси.....	100
9-мавзу. Хонликлар ва Россия истилоси даврида ўзбек халқи	
маданияти. Мустабид шўро даврида Ўзбекистон	
маданияти.	
9.1. Бинар услубидаги маърузани олиб бориш технологияси.....	105
9.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	110
9.3. Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган бахс-мунозарали маърузани олиб бориш технологияси.....	114
9.4. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	116
10-мавзу. Миллий истиқлол ва маданий таракқиёт	
10.1. Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган бахс-мунозарали маърузани олиб бориш технологияси.....	119

10.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси.....	123
--	-----

К И Р И Ш

“Маданиятшунослик” фани бўйича таълим технологияси маъруза ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш техноло-гияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида “Маданият-шунослик” фанини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган ҳамда курс бўйича ўқитишнинг мазмуни очиб берилган.

Сўнгра ўқув фани бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) маъруза машғулотларини олиб боришнинг кириш-маъруза, мавзу асосида маъруза, визуаллаштирилган маъруза, бинар, конференция, бахс-мунозара маърузалар кўринишлари қўлланилиши;

2) амалий машғулотларни олиб боришнинг топшириқларни индивидуал тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, муаммоли амалий машғулот ҳамда билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий топшириқларни бажарилиши.

Мазкур таълим технологияси барча олий ўқув юртларида, малака ошириш курсларида ўқитувчи томонидан қўлланилиши мумкин.

“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ

КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЎҚИТИШ СТРУКТУРАСИ

Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

Бакалавр “Маданиятшунослик” курси бўйича

Маданиятнинг моҳияти, унинг табиат билан алоқаси:

- цивилизация тушунчаси, маданиятнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш қонуниятларини;
- маданиятшуносликнинг бўлимлари, асосий тушунчапари, маданият вазифалари ва белгиларини;
- маданиятнинг тарихий моделлари ва марказларини;
- маданият белгилари тизими, шахс ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқаларни;
- маданиятшунослик талқинидаги маънавий қадриятларнинг инсон ва цивилизация тараққиётидаги ўрнини билиш керак.

Маданий воқелик ва санъат асослари бўйича асосланган мулоҳаза юритиш ва ўз фаолиятида фойдаланиш **кўникмасига эга бўлиши лозим.**

Ўзбекистонда мустақилликни қўлга киритилиши, мамлакатда демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуриш назарияси ва амалиёти ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммоларини ўрганиш, тадқиқ этиш, ўқитишни яхшилашни янги, сифат жиҳатдан такомиллашган даражага кўтаришни талаб қилмоқда. Шу ўринда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида "Маданиятшунослик" фанини алоҳида ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Маданиятшунослик” курси 1990 йилдан бошлаб мамлакатимизни барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитила бошланди. Мазкур предметнинг ўқитилиши бир томондан, ҳар бир фуқарода жаҳон маданияти ва цивилизациясига, миллий маданият, маънавий-маърифий қадриятларга нисбатан чуқур эҳтиромни шакллантирса, бошқа томондан ушбу жараён жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлашга, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қатор расмий ҳужжатларда эркин фуқаро маънавияти, замонавий тарзда фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга баркамол инсонни тарбиялашга алоҳида эътибор берилган.

"Маданиятшунослик" курси ана шундаи инсонни шакллантиришда алоҳида ўринга эга. Ушбу предметни бўлғуси юқори малакали мутахассисда маънавий-маърифий қадриятларга янгича муносабатни шакллантиришда, аجدодлар меросини эъзозлаш, уни асраш, урганиш, бойитишда аҳамияти каттадир.

"Маданиятшунослик" фани миллий истиқлол ғоясини кенг фуқаролар ижтимоий онгига сингдиришда ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир, зеро маданият ва миллий истиқлол ғоясининг узвий уйғунлиги иродаси мустаҳкам, эркин фикрлайдиган, маънавий етук баркамол шахс шаклланишининг муҳим кафолатларидан биридир. "Шу билан бирга, - деган эди И.Каримов, - мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан".

Дарҳақиқат шундаи "Маданиятшунослик" инсон омилини шаклан-тиришнинг таъсирли воситаси сифатида жамиятда ижтимоий-маънавий кўтаринкиликни таъминлайди, маданий ва миллий истиқлол ғоясининг уйғунлигини кучайтиради.

Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, жаҳон маданиятининг таркибий, ажралмас қисми ҳисобланган. Аجدодларимиз томонидан яратилган миллий маданий-маънавий меросимизни тиклаш йўлидан борди. Бу йўл Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мустақил давлатимиз учун етук мутахассислар жуда зарур бўлган бир вақтда уларни бирор касб йўналтирар эканмиз, ёшлар онгида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини шакллантириш муҳимдир. Бу ғоялар эса қачон ёшлар ўз ватани тарихи, маданият тарихи, миллий қадриятларни аجدодлар қолдирган маданий меросни яхши ўзлаштиргандагина шаклланади. "Маданиятшунослик" курсини олий таълим тизимида ўқитилиши ҳам шу муҳим вазифани амалга оширилишига хизмат қилмоғи керак. Шу билан бир қаторда "Маданиятшунослик" фани янгича фикрлашни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи фан сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишида таълим-тарбия тизимида муҳим вазифани бажаради.

Маданиятшунослик фанини ўрганишнинг зарурияти шундаки, инсоният жамият тараққиётига фақат сиёсий, иқтисодий, техникавий, ҳуқуқий тадбирлар билан эришиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда жамият маънавий-маданий ҳаётини ҳам юксалтиришга зарур бўлади. Шу ўринда Президент И.Каримовнинг "... кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият кутқаради" деган сўзларини доимо ёдда тутиш лозим.

"Маданиятшунослик" фани бўйича мавзули режа ва соатлар тақсимоти

№	Мавзу	Аудитория соатлари		
		Жами	Маъруза	Семинар
1.	Маданиятшунослик фанининг предме-ти ва вазифалари. "Маданият" тушун-часи талқини.	4	1	1
2.	Маданият тараққиётининг асосий қону-	2	1	1

	ниятлари.			
3.	Маданиятшунослик ва жаҳон мада-нияти масалалари. Архаик (ибтидоий) маданият	4	2	2
4.	Анъанавий маданият.	2	2	2
5.	Маданиятшунослик ва диний маданият. Техноген маданият: унинг моҳияти	4	2	2
6.	Ватан маданияти тарихи. Марказий Осиё халқларининг қадимги мада-нияти.	4	2	2
7.	IX-XII асрларда Шарқ уйғониш даври маданияти.	4	2	2
8.	Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср)	4	2	2
9.	Хонликлар ва Россия итилоси даврида ўзбек халқи маданияти. Мустабид шўро давлати даврида Ўзбекистон мада-нияти.	4	2	2
10.	Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.	4	2	2
	Жами:	36	18	18

2. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу. Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари "Маданият" тушунчаси талқини

Шахс ва жамият ҳаётида маданий тараққиёт масалаларини ўрга-нишнинг зарурлиги, курснинг мақсади, тадқиқот предмети ва вазифаси. Маданиятшунослик курсининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни, ўзига хослиги ва амалий аҳамияти.

Маданиятшунослик тарихида "Маданият" тушунчасининг талқини. "Маданият" тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг маъно тизими. қадимги ва ўрта асрлар фанида "Маданият" тушунчасининг таърифи. Янги давр фалсафасида "Маданият" тушунчаси. "Маданият" тушунчасини таърифлашга гносеологик, аксеологик, онотологик ва семиотик жиҳатдан ёндашиш. Ҳозирги замон илми назарида "Маданият"нинг талқини. Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида. Моддий ва маънавий маданият. Маънавий маданиятнинг таркибий тузилиши.

2-мавзу. Маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари

Табиат ва маданият. Маданият инсон шахси ва унинг турмуш тарзини таркиб топтиришнинг ўзига хос усули. Маданият авлодлар ўртасида ижтимоий боғланишнинг муҳим халқаси. Ирқий, этник, миллий маданий ва социал иқтисодий хилма-хиллик ва

умумбашарий бирлик. Тарих ва маданият типларининг минтақалаштирилиши. Маданият ва цивилизация. Жаҳон халклари маданиятидаги ўзига хослик ва умумийлик. Маданиятлар мулоқоти. Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро бир-бирига таъсири. Евроцентризм ва ориентализм концепцияларининг моҳияти, шарқона тафаккурнинг ўзига хослиги.

Ҳозирги шароитда универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви. Ҳаётий таъсир кўрсатиш имкониятларининг кенгайиши. Ахборот соҳасидаги глобаллашувнинг дунё халқлари ўртасида ўзаро мулоқот, илм-фан, маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратишга таъсири.

Инвизияция ва ҳозирги замон. Ижтимоий-муносабатлар ва маънавий-маданий ҳаёт Жаҳон маданиятшунослигининг ўзига хослиги. Маънавият қадриятлар тизимида демократик омиллар. Инсоният ҳаётида техника ва технологияларнинг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Инсон омилининг кучайиши. Шахс манфаатининг буюк қадрият сифатида давлат, миллий, синфий, тор диний қадриятлардан устуворлиги.

Очиқ жамият ва маданият тушунчалари. Дунё маданияти. Маданият ва сиёсат. Маънавий маданиятдаги янги вазият. Романтизм ва реализм.

3-мавзу. Маданиятшунослик ва жаҳон маданияти масалалари.

Архаик (ибтидоий) маданият

Маданиятнинг вужудга келиши. Маданий даврлар тушунчаси. Меҳнат қуроллари ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси. Ибтидоий жамиятнинг шаклланиши ва социал тузилиши. Майиш турмуш ва ахлоқ мезонлари. Ибтидоий одамнинг фикрлаши ва оламни тушунишининг ўзига хослиги. Билиш фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Ибтидоий маданиятда олам ҳақидаги билимларнинг маросимларда акс этиши. Диний тасаввурлар ва маросимлари. Санъатнинг жамоачилик хусусиятлари, маданий синкретизм (қоришиқ). Санъатнинг амалий, алоқа муносабати ва тарбиявий вазифалари. Санъат-билимлар тўплаш воситаси. Тош даври санъат ёдгорликлари: ғорлардаги расмлар, ибодат ҳайкалчалари. Майиш буюмларга ишлов бериш санъати. Керамика ва пластика. Уй-жой ва саждагоҳлар қуриш. Мифология, фольклор ва ёзувнинг пайдо бўлиши. Неолит ва энеолит даврлари меъморий қурилишлари: менгирлар, дольменлар ва кромлехлар. Ўзбекистон ҳудудидаги бу даврларга оид ёдгорликлар. Турли минтақаларда анъанавий маданият шаклланишининг умумий хусусиятлари.

4-мавзу. Анъанавий маданият

Қадимги Шарқ маданиятининг тарихий ва даврий чегаралари. Қадимги Шарқ цивилизацияси ривождаги умумийлик ва ўзига хос хусусиятлар, уларнинг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни. Қадимги Шарқ маданиятида анъаналарнинг ўрни ва аҳамияти. Қадимги Шарқ дунёқарашининг ўзига хослиги. Маданиятнинг энг қадимги ўчоғи - қадимги Месопотамия жамиятлари маданияти. Ёзма илмий ва санъатга оид ёдгорликлар (миххат, зиккурат, математика ва астрономия, "Гилгамиш" ҳақидаги достон). Жаҳон маданиятида Месопотамия маданиятининг ўрни ва аҳамияти.

Қадимги Миср маданиятининг шаклланиш даври. Миср маданиятида дин, унга эътиқоднинг белгиловчи ўрни. Мисрликларнинг нариги дунёдаги ҳаёт ҳақида тасаввурлари. Қадимги Миср ёзуви, фани ва санъати: эҳромлар, ибодатхоналар, рассомчилик, тиббиёт, иероглиф битиклар, адабий асарлар. Жаҳон маданияти ривожланишида қадимги Миср маданиятининг ўрни.

Қадимги Ҳиндистон маданияти. Қадимги хиндларда диний дунёқараш ва таълимотнинг ўзига хослиги. Брахманизм-жамоани табақалаштириш. Биринчи жаҳон дини

- Буддизмнинг шаклланиши. Мохинжо-Даро ва Хараппа цивилизацияси. Ҳинд фалсафаси ва фанининг хусусиятлари. Санъат ва адабий асарлар (зинапоясимон тош ибодатхона, тасвирий санъат ва хайкалтарошлик, "Ведалар", "Маҳобҳорат", "Рамаяна", "Панчатантра", драматургия). Ҳиндистон цивилизациясининг "ошкоралиги" ва бошқа халқлар маданиятларига таъсири.

Қадимги Хитой цивилизацияси вужудга келишининг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари. Хитой маданий дунёсининг биқиқлиги. Конфуцийчилик, даосизм, моизм ва легизм каби фалсафий таълимотларининг пайдо булиши. Хитой маданиятининг ижтимоий-ахлоқий мазмуни. Ёзув, адабиёт, санъат ёдгорликлари. Буюк Хитой девори. Буюк ипак йўли. Хитой маданиятининг қўшни халқларга таъсири.

Қадимги маданиятни чўққиси бўлмиш Антик маданиятнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. қадимги Юнон цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Антик маданиятда янги шаклдаги (илмий мантик) фикрлашнинг вужудга келишида сиёсий тузумдаги демократик жараённинг таъсири. Антик давр фалсафаси ва динининг қадимги Шарққа нисбатан ўзига хослиги. Юнон афсоналари, Юнон маданиятининг пластик (нафис) хусусиятлари. Тасвирий санъат, меъморчилик, театр, спортнинг антик маданиятдаги ўрни.

Қадимги Лотин маданияти. Қадимги римликларни дунёни идрок этиш хусусиятлари. Республика ва Империя даври маданияти. Тамошалар ва диний эътиқодлар. Қадимги римликларнинг ҳарбий санъати. Рим ҳуқуқи. Римликларнинг муҳандислик иншоотлари. Хайкалтарошлик, меъморлик. Эллинистик маданиятнинг Қадимги Лотин маданиятга таъсири. Шарқдаги эллинистик марказлар. Антик маданият инқироzi ва христианликни вужудга келиши.

5-мавзу. Маданиятшунослик ва диний маданият. Техноген маданият ва унинг моҳияти.

Ўрта асрлардаги "Дунё қиёфаси". Европа ва Шарқ маданиятининг христиан ва ислом дини ақидаларида намоён бўлиши. Умумий ахлоқ мезонларининг ўрнатилиши ва ёйилишида диннинг ўрни. Исломиий маданиятнинг шаклланиши ва унинг асосий йўналишлари. Араб тили ва илмий адабий алоқаларнинг ривожланиши. Қуръон ва шариат асослари. Тасаввуф. Ислом маданиятининг бадиий хусусиятлари. Китоб ва каллиграфия. Китоб безаш санъати. Ўрта аср миниатюра мактаблари. Биноларга декоратив безаш ишлаш. Масжидлар ва макбаралар. Қалъа ва саройлар. Шаҳар маданиятининг шаклланиши. Илмий билимлар ривож.

Ўрта асрларда Европа халқлари маданиятининг шаклланиши. Европа ўрта асрлар маданиятининг манбаи: антик маданият, христианлик, мусулмон шарқи. Ўрта асрлар Европа маданиятининг табақа-манфаатчилик хусусияти. Каролнинг уйғониш даври. Ўрта аср халқ маданияти. Рицарлик ва роҳиблик-ҳаёт тарзи сифатида Византия маданияти. Роман санъати. Черков ва ибодатхоналар. Эҳромлар ва кўрғонлар. Готика. Шаҳар маданиятининг ривожланиши. Университет илмининг вужудга келиши. Географик кашфиётлар ва денгиз йўлининг кашф қилиниши. Техника ютуқлари, Европа ва Шарқ маданияти муносабатлари.

Уйғониш даврида янги Европа маданиятининг шаклланиши. Европада Уйғониш даври маданиятининг ривож ва антик анъаналарни тикланиши. Гуманизм. Санъатнинг ижтимоий аҳамияти. Италия ва Шимоли-Ғарбий Европада уйғониш даври маданияти ривожланишининг ўзига хослиги. Янги инсон идеалининг шаклланиши. Италия адабиёти ва санъати. Реформация, китоб нашр этиш, миллий ёзувларни тарқалиши.

XVII асрда Баракко ва маънавий маданият. Рационализм ва илгор фаннинг дастлабки ютуқлари. XVIII аср маърифатпарварлик асри. Абсолютизмнинг инқирози. Қомусий олимлар. Классицизм ривожланишида янги босқич. Классицизм меъморчилиги ва хайкалторошлик. Адабиёт ва театр, мусиқа санъатининг юксалиши. Европа маданиятида бадиий мактабларнинг аҳамияти. XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида Англия ва Испания маданиятида романтизм тенденцияларининг намоён бўлиши. XIX асрда капиталистик муносабатддорнинг ривожланиши ва маданият соҳасидаги юз берган ўзгаришлар. Саноат инқилоби ва илмий-техника ютуқлари. Тафаккурнинг шаклланиши: тарихий ва санъатдаги эклетика (қоришиқ). Жамият ҳаётида матбуотнинг тутган ўрни. Анъанавий маданиятнинг аста-секин барҳам топиб бориши ва оммавий маданият феноменининг вужудга келиши.

Европа санъатида романтизм ва неоклассизм. Адабиёт ва тасвирий санъатда реализм, импрессионистлар ва постимпрессионистлар.

XX аср бошларида маданият ривожига янги йуналишлар. Санъатнинг янги турлари: киноматография, телевидениенинг вужудга келиши ва уларнинг театр, адабиёт рассомчилиги ва бошқа санъат соҳаларига ўзаро таъсири. Ҳозирги замон бадииятида оммавий юксак (профиссионал) маданиятнинг ўзаро нисбати.

Илмий технология инқилоби ва XX аср цивилизациясининг аграр индустриал ҳамда замонавий ахборот-компьютер босқичлари. Бу тараққиётнинг интернационаллашувида алоқанинг телекоммуникация воситалари. Илмий ва бадиий маданият уйғунлиги. Маърифий таълимда умуминсоний кадриятларнинг аҳамияти. Маданий ривожланишнинг умум-жаҳон ўн йиллиги. 1988-1997 йиллардаги ЮНЕСКО дастури. Ўзбекистонда маданий меросни муҳофаза қилиш тадбирлари. Умумжаҳон ворислиги концепцияси, "Буюк ипак йўли" халқаро лойиҳаси. Ўзбекистон маданият жамғармасининг фаолияти. Ўзбекистонда ҳозирги маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

6-мавзу. Ватан маданияти тарихи. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти

Марказий Осиёда ибтидоий жамоа тузуми. Тош даври ёдгорликлари. Марказий Осиё маданияти шаклланишининг табиий-иқлимий ва этник шарт-шароитлари. Марказий Осиё маданияти таркибида турли хил маданий жараёнларнинг вужудга келиши. (Зироаткор ва кучманчи чорвадор халқлар). Милоддан аввалги III-II минг йилликларда маданий жараёнларни ўз даврига хос шаклланиши. Бронза даврида қадимги деҳқончилик ва чорвадор кучманчилар маданиятининг алоҳида ҳудудларда ажралиб ривожланиши. Илк давр шаҳар маданиятининг вужудга келиши. Ол-тинтепа. Сополлитепа. қадимги қабилалар маданий алоқаларнинг йунатишлари, маданий ҳаётни афсона ва ривоятларда ифода қилиниши. Диний эътиқодлар, Зардуштийлик ва "Авесто".

Эллин маданиятининг Шарққа кириб келиши. Юнон-Бақтрия подшолиги маданий ёдгорликлари. Эски ва Янги НИСО. Монументал меъморчилик. Парфия давлатининг қўшни мамлакатлар билан маданий алоқалари.

Қушонлар даврида Бақтрия маданияти. Буддизм ёдгорликлари. Амалий санъат. "Буюк ипак йўли" - ғарб ва Шарқ халқлари ўртасида маданий кўприк. Қадимги Хоразм маданияти. Меъморчилик ва тасвирий санъат. Халқ оғзаки ижоди ва ёзувнинг пайдо бўлиши.

7-мавзу. IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври маданияти

Марказий Осиё Ренессанси ва уни давраштираш муаммолари. IX-XI асрларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда юз берган ўзгаришлар. Халифалик

тасарруфида бўлган Моваруннахрда Ислом маданиятининг шаклланиши. Бовдод ва бошқа маданият марказлари билан Моваруннахр шаҳарларининг алоқалари. Маъмун академияси. Марказлашган давлатлар-сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар ва хоразм-шоҳлар даврида шаҳарларнинг маданий марказга айланиши. Марказий Осиё санъатида араб халифалиги ва маҳаллий маданий оқимларнинг ўзаро синтези-жараёнининг кучайиши. Табиий, фалсафий-ахлоқий ва диний-тасаввуфий фанларнинг тараққий қилиши. Ал-Хоразмий, Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Махмуд Кошгарий, Юсуф Хос Хожиб, Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг қарашлари ва уларнинг жаҳон илм-фанида тутган ўрни. Меъморчилик ва тасвирий санъатдаги услубий ўзгаришлар: Мадраса, масжид, мақбара хонақоҳлар, карвонсарой, рабат, тим каби маиший савдо ҳамда муҳофаза қурилишлари ва уларнинг услублари. Гумбазли-куббали усулнинг яратилиши, меъморчиликда геометрик уйғунлик ва математик мутаносиблик қонуниятларининг амал қилиши. Монументал тасвирий санъатнинг ривожланишида ёғоч ва ганч ўймакорлиги. Геометрик, ўсимликсимон ва эпиграфик-арабча битикларнинг нақший декор сифатида қўлланилиши IX-XII асрлар меъморий ёдгорликлари. Бухородаги самонийлар мақбараси. Тимдаги Араб Ота мақбараси, Кармана шаҳри яқинидаги Работи Малик, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Самарқанддаги Шоҳи Зинда ансамбли. Амалий санъатнинг кулолчилик, тўқувчилик сингари шакллари ривожланиши.

8-мавзу. Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми-XV аср)

Амир Темур барпо этган марказлашган давлатда маданий-маиший ҳаётни ривожлантириш шарт-шароитлари. Маданиятни ривожлантиришга Темурнинг давлатчилик нуқтаи назаридан эътибор бериши. Самарқанд ва Хиротдаги маданий муҳит. XIV аср охири XV асрда Моваруннахрда қурилган меъморий обидалар. Меъморий декорда рангли сопол қопламаларнинг қўлланилиши. Гўри Мир, Оқ-сарой, Бибихоним, Шоҳи Зиндадаги меъморий қурилишлар, боғ ва кўшк, саройлар, Регистон ансамбли, Бухоро ва ғиждувондаги масжид ва мадрасалар. Улугбек расадхонаси. Улугбек академияси фаолияти.

Темурийлар давридаги илм-фан ва адабиёт аҳли. Тасвирий санъат ривож. Самарқанд ва Хирот мактаблари. Хаттотлик ва китобат. Маданий муҳитга нақшбандийлик тариқати сулуқларининг таъсири. Хўжа Ахрор Валий, Жомий, Навоий, тарихчилар: Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, ғиёсиддин Хондамирнинг тарихий асарлари.

Темур ва темурийлар маданиятининг Марказий Осиё ва жаҳондаги тутган ўрни ва аҳамияти.

9-мавзу. Хонликлар ва Россия итилоси даврида ўзбек халқи маданияти. Мустабид шўро давлати даврида Ўзбекистон маданияти

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг ижтимоий-маданий ҳолати. Темур ва темурийлар даврида эришилган маданий-маънавий ютуқларнинг қўлдан бой берилиши. Унинг сабаблари. Маънавий маданият ва диний мутаассиблик. Дунёвий билимларни қадрсизланиши. Илмий дунёқарашнинг чекланганлиги. кўкон адабий муҳити.

Моддий маданият. Хонликлардаги ўзига хослик.

Россия итилоси ўлка маънавий ҳаётига таъсири. Миллий-маданий мерос ва мустанлакачилик мафкураси. Мустанлакачиликнинг оғир қийинчи-ликларига қарамадан

миллий маданиятнинг ривож топиши. Маърифат-парварлик ҳаракати. Жадидчилик ва ижтимоий маданий кўтарилиш.

Миллий маданий меросга маъмурий буйруқбозлик тизимининг таъсири. "Пролеткультчилик" ва маданиятга нигилистик муносабат. Маданий ва маънавий қадриятларнинг сиёсийлашуви. Маданиятда синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик. Социалистик "реализм" ва унинг моҳияти.

"Совет маданияти" ва "Шаклан миллий, мазмунан социалистик, рухан байналминал маданият"ларнинг асосизлиги. Маданият ва коммунистик ўлчов. Маданият ва коммунистик мафкура. Совет ҳукуматининг маънавий қадриятларга муносабати. Миллий ўзликни анлаш ва қатағонлик. "Маданиятшунослик" фанининг сиёсий-мафкуравий чекланганлиги.

10-мавзу. Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт

Миллий истиқлол ва маънавият. Миллий уйғониш ва миллий онг. Маданий муассасалар фаолиятининг янгича ташкил этилиши ва миллий маданий ворислик муаммолари. Маданият жабҳасидаги ислохотлар ва унда давлатнинг тутган ўрни ва вазифалари. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази. "Олтин мерос" жамғармасининг миллий маданият равнақи миллатлараро маданиятлар мулоқотини ривожлантириш, комил инсонни шакллантиришдаги роли. Бозор муносабатларига ўтиш даврида маданий муассасалар фаолияти, маданий хизмат кўрсатиш шакллари ва йўллари. Ҳозирги шароитда адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик, театр, кино ва телевидение ривожланишида ўзига хослик. Уларнинг миллий қадриятларни тиклаш, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришдаги роли. Таълим қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти ва маънавий-маърифий ислохотлар тизимини амалга оширишдаги роли. Миллий маданият равнақида миллий-маданий марказлар ва халқаро маданий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти.

3. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг энг маъсулиятли босқичи – ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг кескин бурилиш даврини бошидан кечирмоқда. Жамиятимиз ҳар бир фуқароси XXI асри ибтидосида, ортда қолган йилларни сарҳисоб қилиш ва келажак

ҳаётнинг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Бундай ҳолларда жамият ижтимоий ривожининг илмий асосланган истиқболи режасини тузиб, унинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилишига:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилашга;
2. Пировард мақсадга эришиш чора-тадбирларини излаб топишга боғлиқдир¹.

Илмий тилда бунини фаолиятнинг методологик асосини аниқлаш ва мақсадга етишиш, усул ва услубларини тўғри белгилаш дейилади².

“Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак”³, деган эди Ислон Каримов.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”⁴.

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятимиз тараққиётининг яқин келажагидаги мақсад ва вазифаларини кўрсатади. У ўз нутқида жамият ривожининг етти асосий йўналишини бирма-бир тавсиялаб, уларнинг истиқболга қаратилган мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Долзарб масалалар ичида устувор йўналишлар қаторига сиёсат, давлат қурилиши ва иқтисодиёт соҳаларидан кейин таълим-тарбияни қўйди ва унинг мақсади ҳамда унга етишиши чора-тадбирларини белгилаб берди. Таълим соҳасидаги биринчи масала қилиб “...миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг, маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир”⁵ - деди. Президентимизнинг Ушбу кўрсатмалари ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётганларга, шу жумладан таълим-тарбия билан шуғулланувчиларга ҳам, умумий методологик асос вазифасини ўтайди.

Маъсулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилди.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

¹ Аристотель. Политика. -М.: 1911. С.330.

² Бўри Эшмухаммедов. Илм ҳикмати. –Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999, 12-бет.

³ Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т., “Ўзбекистон”, 1999. 4-бет.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. –Т., “Ўзбекистон”, 1992. 78-бет.

⁵ Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. –Т., “Ўзбекистон”, 2000.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқган ҳолда “Маданиятшунослик” фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндо-шувларни келтирамиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқган ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифат-ларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуллари, амалий ишлаш усули.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА
МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

1 мавзу	“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. “МАДАНИЯТ” ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси
<i>Талабалар сони: 60</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Кириш-мавзу бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва структураси. 2. Маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифалари. 3. Маданият ва цивилизация. 4. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.
<i>Машғулотнинг мақсади: Ўқув курси ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
· курснинг мақсади ва вазифалари билан таништиради;	· курснинг мақсади ва вазифаларини айтиб бера олади;

· курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятини баҳолаш мезон-лари ҳамда тавсия қилина-диган адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот беради; · маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифаларини ёритиб беради; · маданият ва цивилизация тушунчаларини ёритиб беради; · миллий ва умуминсоний кадриятларнинг моҳиятини очиб беради;	· курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш мезонларини айтиб бера олади; · маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифаларини санаб беради; · маданият ва цивилизация тушунчаларига таъриф бера олади; · кадриятларнинг турларини санаб бера олади, уларга таъриф беради.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, намойиш, блиц-сўров, ақлий ҳужум.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова).	Тинглайди.
	1.2. Мазкур курс бўйича ўрганиладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий ада-биётларнинг рўйхати билан таништиради.	Тинглайди. ЎУМ га қарайди.
	1.3. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси, режаси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб олади.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича жонлатирувчи саволлар беради: 1) Нима сабабдан биз маданиятшунос-лик фанини ўрганмоқдамиз? 2) Маданият деганда нимани тушунасиз? Жавобларни тинглайди ва умумлаш-тириб хулоса қилади.	Тушунчаларни санаб беради.
	2.2. Экранга Маданиятшунослик фани-нинг вазифаси унинг бўлимлари схема-сини	Тинглайди.

	туширади. (2-илова). Схеманинг маъно-моҳиятини тушун-тириб беради.	
	2.3. Мавзу режаси бўйича слайд-схема-лардан ва мавзуни жонлантирувчи савол-лардан фойдаланган ҳолда маърузани ўқийди. 1. Маданият тушунчасига таъриф беринг. 2. Маданият сўзининг луғавий маъноси қандай? 3. Цивилизация нима? 4. Қадриятнинг турларини айтинг. Мавзуни ёритиш давомида асосий жойларини талабаларга ёздириб боради. Мавзуни тўлиқ баён этади.	Схема-слайдларнинг мазмунини муҳокама қилиб боради ва савол беради.
	2.4. Олинган билимларни умумлашти-риш мақсадида “Ақлий хужум” (3-илова) асосида қуйидаги саволни ўртага таш-лайди: “Маданиятшунослик фани нима-ни ўргатади?”. Жавобларни умумлаш-тириб хулоса қилади.	Саволларга жавоб беради.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу мақсадига эришишдаги тала-балар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.
	3.2. Мавзу бўйича мустақил тайёрланиш учун. “Маданиятнинг асосий таъриф-ларини аниқлаб келинг” деб топшириқ беради.	Мустақил ўрганиш учун топшириқ-ларни ёзиб олади.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаш-тириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	ЎУМ га қарайдилар.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(1.1)-Илова

Курс бўйича талабаларни ўзлаштириш, баҳолаш мезонлари

Назорат шакллари		Жами баллар
1. Жорий баҳолаш (6 балл): а) Тингловчининг маъруза ва амалий машғулотдаги активлиги; б) Уй вазифасини бажариш; в) Берилган топшириқларни бажариши (реферат, таблицалар, слайдлар тайёрлаш ва ҳ.к.)		45 балл
2. Оралиқ баҳолаш (назорат иши ва тестлар ўтказиш)		40 балл
3. Якуний баҳолаш (ёзма иш, тест ва бошқа турдаги назоратларни ўтказиш)		15 балл
Жами:		100 балл
Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳо	
85,01 – 100	Аъло	
70,01 – 85	Яхши	
55,01 – 70	Ўрта	
55 гача	Қониқарсиз	

Маданиятшунослик – маданият ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсониятнинг табиат, жамият билан биргаликда фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ қилиш киради

2-слайд

Маданиятшуносликнинг тадқиқот манбаи бўлиб:

- инсон яратган санъат соҳаси;
- кишиларнинг муомала воситаси бўлган тил;
- жамият бойлиги ва мезони бўлмиш билим;
- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;
- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар хизмат қилади;



“Ақлий ҳужум”нинг асосий қоидалари:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;

- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожланти-ришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

2-слайд

Маданият нурни эъзозлашдир. Маданият инсонни севишдир. Маданият муаттарликдир, ҳаёт ва гўзалликнинг омухта қилмоқдир. Маданият олий мақомдаги инжа ютуқларнинг қаймоғидир. Маданият нур куролидир. Маданият қалбдир.

Николай Рерих

1.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 21	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Маданият сўзида тарихийлик ва илмийлик. 2. Маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифалари. 3. Маданият ва цивилизация. 4. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.
<i>Машғулоти мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>

· мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш-нинг мотивациясини яратади; · мавзу бўйича билимларни мустақамлаб ва чуқурлаш-тиради; · ўз нуқтаи назарини баён қи-лиш ҳамда шакллантириш жа-раёнини ташкил этади; · гуруҳларда ишлаш кўникма-сини ҳосил қилади ва ривож-лантиради;	· маданият сўзининг луғавий маъносини, тарихийлигини ва илмийлигини тушун-тириб беради; · маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазибаларини айтиб беради;. · маданият ва цивилизациянинг ўзаро алоқадорлигини уларнинг таърифини тушунтириб беради; · кадрларнинг турларини санаб уларни изоҳлаб беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат, кичик гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска)
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади уни гуруҳларда ўтказиш режаси эълон қилинади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Таянч сўзлар орқали блиц сўров ўтказилади. Маданият, кадрлар, цивилизация маданиятшунослик сўзларига тушун-ча беришларини сўрайди. Жавобларни умумлаштиради. Жавобларни умумлаш-тириради,	Жавоб берадилар.
	1.4. Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимларини жонлантири-лади.	
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Талабалар 3 гуруҳларга бўлинади. Уларга топшириқ берилади. (1-илова). Қандай ўқув натижаси олиншига аниқ-лик киритади.	Интерфаол усулда гуруҳларга бўлинади.
	2.2. Мавзу бўйича тайёрланган топши-риқларни тарқатади	Топшириқлар билан танишадилар
	2.3. Баҳолаш мезонлари билан таништи-ради. (2-илова). Қандай қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш мумкин-лигини тушунтиради. (Маъруза матни, ўқув қўлланма) Топшириқларни аниқлайди ва гуруҳларда тақдимот ўтказишни ташкил этади.	Гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳдан жамоа сардори чикиб тақдимот ўтказилади.

III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1.Топшириқни бажариш жараёнидаги хулосаларни умумлаштиради, билимларни тўлдиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тинг-ловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаш-тириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайдилар

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(1.2)-Илова

1-топшириқ.

1. Жамиятнинг маънавий ҳаётини нима ташкил қилади?

- А). Ижтимоий онг, маънавий ишлаб чиқариш, маънавий муносабатлар
- Б). Миллий маданий мерос
- В). Ижтимоий муносабатлар
- Г). Қадриятлар, урф одатлар, анъаналар.

Маданият сўзининг луғавий маъносини ва унинг асосий таърифларини ёзинг.

2-топшириқ.

2. Маънавий ишлаб чиқариш нима?

- А). Кишиларнинг табиат ва жамиятнинг билишдаги фаолияти, олам ҳақидаги билимлар, ғоялар ва назариялар тизими
- Б). Кишиларнинг индивидуал онгида табиат ва ижтимоий борлиқни акс эттиши
- В). Моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг асоси
- Г). Ижтимоий ғоялар ва назариялар

Маданиятнинг таркибий тузилишини схемаларда тасвирланг.

3-топшириқ.

3. Маънавий мулоқот нима?

- А). Кишиларнинг адабий санъатга оид билимларини бир-бирига етказиш
- Б). Ўзаро фикр алмашиш
- В). Кишиларни мусикага оид билимларини бир-бирига етказиши
- Г). Сиёсий, маданий, ахлокий, илмий, бадиий, ҳуқуқий билимлар тизими

Миллий ва умуминсоний қадриятларга мисоллар келтиринг.

2(1.2)-Илова

Гуруҳ ишининг баҳолаш мезонлари

Гуруҳ	Маълумотнинг тўлалиги. (1,5 б)	Аниқ ва содда етказиб берилиши. (1,5 б)	Маълумотнинг тақдим этилиши. (3 б)	Баҳо
I				
II				

III				

1,5-1,3- аъло

1,2 – 1 яхши

0,9 – қониқарли

2,9-3- аъло

1,9 – яхши

1,2 – қониқарли

Тестлар

1. «Маданият» атамасини ким биринчи бор муомалага киритган?

А) Платон

Б) Аристотель

В) Эсхил

Г) Цицерон

Д) Гиппократ.

2. «Маданият» атамасини луғавий маъноси нима?

А) тарихий воқеалар

Б) қайта ишлов бериш, ўзгариш

В) донишмандликни севиш

Г) одамни структуравий тузилиши

Д) тафаккур қонунлари.

3. «Маданият»га фалсафий таъриф беринг?

А) инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти натижаларининг мажмуи

Б) инсоннинг моддий фаолияти

В) инсоннинг маънавий фаолияти

Г) инсон турмушининг ўзига хос соҳалари

Д) тарихий обидалар.

4. «Маданият»нинг элементларини белгиланг?

А) содда материалистик қарашлар

Б) инсоннинг фаолияти, қадриятлари

В) риёзиёт қонунлари

Г) иқтисодий ислохотлар

Д) сиёсатни юргизиш.

5. «Маданият»нинг асосий турларини белгиланг?

А) сиёсий ва ҳуқуқий

Б) тарихий ва назарий

В) моддий ва маънавий

Г) ижтимоий ва иқтисодий

Д) илмий ва мафкуравий.

2 мавзу	МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ
--------------------------	--

2.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 52	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича информацион кўргазмали маъруза.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Моддий ва маънавий маданият уларнинг ўзаро алоқадорлиги. 2. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни. 3. Маданият бойликлари.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Моддий ва маънавий маданият уларнинг ўзаро алоқадорлиги, маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
· моддий ва маънавий маданият уларнинг ўзаро алоқадорлигини ёритиб беради; · маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни билан таништиради; · маданият бойликлари ва уларнинг турларини ёритиб беради;	· моддий ва маънавий маданият уларнинг ўзаро алоқадорлигини айтиб бера олади; · маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилади; · маданий бойликларини ва уларнинг турларини айтиб бера олади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, тушунтириш, намоиш, блиц-сўров, инсерт.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материал, компьютер слайдлари, доска.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.


Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Саволларга жавоб беради.
	1.3. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаш-тиради. Савол: 1). Маданият неча турга бўлиниши мумкин? 2). Маданий бойликлар деганда нималар-ни тушунасиз? Берилган жавобларни қисқача умумлаштириб, хулоса қилади.	Жавоб беради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Мавзу режасини ёзиб олади. Тинглайди.
	2.2. Мавзунинг 1-2 саволи юзасидан мини лекция ўқилади. Кўргазмали қуроллардан яъни слайд-схемалардан фойдаланади. (1-илова). Талабаларни қай тарзда ўзлаш-тирганликларини билиш учун “ақлий ҳу-жум” усулидан фойдаланиб билимларини мустаҳкамлайди. Жавобларни умумлаштириб хулоса қилади.	Тинглайди, ЎУМ га қарайди.
	2.3. Маданият бойликлари. Мавзула-рининг маъруза матнларини жуфтлик-ларга тарқатиб чиқади ва матнни ўқиб инсерт усулида жадвални тўлдиришни айтади. (2-илова). Инсерт натижаларини таҳлил қилади, нотаниш фикрларга аниқ-лик киритади.	Маъруза матни билан танишади
	2.4. Блиц-сўров ўтказилади. Савол: Мада-ний мероснинг тикланиш жаҳатларини айтинг. Жавобларни умумлаштириб хулоса қилади.	Жавоб беради
	2.5. Таянч ибораларга қайтади. Тинг-ловчилар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	ЎУМ га қарайдилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Талабалар баҳоланади.	Тинглайдилар.
	3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	Мустақил ўрганиш учун опшириқлар-ни ёзиб оладилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқур-лаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	ЎУМ га қарайдилар.
	3.4. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	ЎУМ га қарайдилар.


ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


1(1.1)-Илова

1-слайд



2-слайд






3-слайд



4-слайд

Моддий маданият таркибига



**Шахс маданият билан қуйидаги соҳалар
муносабатда бўлади:**

1. Маданият таъсир этиш объекти сифати уни ўзгартиради.
2. Маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданият муҳитда фаолият кўрсатади.
3. Маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Тестлар

1. Моддий маданият нима?

- А) ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган бойликлар
- Б) билимлар мажмуаси
- В) ғоялар
- Г) илмий ва мафкуравий билиш
- Д) сиёсат

2. Маънавий маданият нима?

- А) архитектура ёдгорликлари
- Б) байрамлар
- В) моддий бойликлар
- Г) маънавий бойликлар яратиш жараёнидаги кишиларнинг онгли фаолияти

Д) меҳнат куруллари.

3. Маданиятшунослик фанининг предмети нима?

- А) тарихий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги таълимот
- Б) маданиятнинг келиб чиқиши, умумий ривожланиш тарихи ва қонуниятлари ҳақидаги фан
- В) тафаккур шакллари ҳақидаги таълимот
- Г) иқтисодиёт қонуниятлари ҳақидаги фан
- Д) инсон психологияси ва унинг қонунлари тўғрисидаги Фан

4. Маданиятшунослик фанининг вазифаларини аниқлаб беринг?

- А) тарихий ривожланиш қонуниятларини ёритиб беради
- Б) ҳозирги давр мафкурасини шакллантириш
- В) фалсафанинг асосий масаласини ўргатиш
- Г) маданият тарихи ва назариясини ўргатиш, маданиятли инсонни етиштириш
- Д) гўзаллик сирларини ўргатиш

5. «Маданиятшунослик» фани кўпроқ қайси фанлар билан боғлиқ?

- А) диншунослик, сиёсатшунослик, рус тили
- Б) лотин тили, психология, инглиз тили
- В) педагогика, иқтисодий назария
- Г) фалсафа, этика, эстетика, археология, тарих
- Д) этика, эстетика

2(2.1)-Илова

“Инсерт” техникасининг қоидалари:

1. Текстни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотни тизимлаштиринг.
3. Ҳар бир қаторга қалам ёрдамида белгилар қўйинг.
 - V** – маълумотлар мавзуга оид билимларимга тўғри келади.
 - +** – янги маълумотдир.
 - – олган билимларимга тўғри келмайди.
 - ?** – мени ўйлантириб қўйди, бу масала юзасидан қўшимча маълумотлар керак.

“ИНСЕРТ” жадвали

Жавоб вариантлари	V	+	-	?

V – биламан.

+ - янги маълумот.

-- билганларимга зид.

? – мени ўйлантирмоқда.

Маъруза матни

Маданият бойликлари (маданий қадриятлар)

Қадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчалари-дандир.

Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни, тарихий хусусият касб этади деб ҳисобласа, бошқа бир тадқиқотчи Рикерт аксинча, қадрият доимий, универсал хусусиятга эга дейди. Т.Парсонс қадрияти-меъёрни андоза деб айтади. Мазкур турли хил, ҳатто қарама-қарши фикрлардан қадриятнинг маъноси кўп қиррали эканлиги англанади.

Қадрият – кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодисадир. Уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ҳодиса сифатида боғлиқликда англаш мумкин. Шунда хўжалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадиий, илмий, ахлоқий қадриятлар ажралади. Расмий нуқтаи назардан қадриятни ижобий ва салбий, ўзига хос ва доимий, мустақил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Моддий нуқтаи назардан қадрият ҳиссий (яъни оддий ҳис қилиш орган) – бу ҳаётӣ, маиший, техник, қониқиш қадрияти ва бошқа; ва маънавий – илмий, ахлоқӣ, эстетик, диний ва бошқаларга бўлинади. Айрим қадриятлар (хўжалик, техник, сиёсий) тарихий хусусият касб этиб, яъни маданият, давр ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туришини батафсилроқ ўрганиш чоғида аниқлаш қийин эмас; бошқа қадриятлар эса доимий, универсал хусусиятга эга (ахлоқӣ, бадиий).

Юқорида таъкидланганидек қадрият ижтимоий фаолиятни тартибга солиб, индивидлар, гуруҳлар ва жамиятнинг муҳим ютуқларига эришувини белгилайди. Ижтимоий қўламдаги мазмун даражаси бўйича қадрият узвийликга эга. Қадриятнинг дастлабки даражаси оддийлари орасидан ажралган аниқ нарсалар, ҳолатлар, ҳаракатларнинг афзаллари билан боғлиқ. Иккинчи даражаси эса, маълум индивидга яқин бўлган ижтимоий гуруҳлар қизиқишга мос келувчи образлар ҳаракати ёки фаолиятнинг танланиши билан боғлиқ. Учинчи даража – бу энг юксак умуминсоний мақсадлардаги танланиш бўлиб, бунда эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик, адолат, тартиб, бойликка қарама-қарши ёвузлик, ёлғон, хунуқлик, бетартиблик, қашшоқлик мужассамликда намоён бўлади ёки бу тақдир билан боғлиқ ўта юксак танлаш ҳисобланади (буддизмда нирван, сўфийликда фано сингари).

Қадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тизимда индивиддаги сингари турли тоифадаги умумнинг ҳам ўзига хослиги асосий ва такрорий, марказий ва четдаги, устунлик ва ҳолатдаги тарзларга ажратиш мумкин. Қадриятлар рўйхати ҳар бир жамиятнинг миллий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ ҳолда кескин фарқланади. ҳамма даврларда барча халқларда энг юксак қадриятлар эзгулик, ҳаёт, меҳнат, севги, ҳақиқат, бахт сингари мезонларда ифодаланган.

Қадриятларнинг муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳиятидир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.

Қадриятлар ичида энг асосийси ва умумийси ҳаётдир. ҳаётдан маҳрум бўлиш барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради, қолган қадриятлар аслида, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадрият-лардир.

Қадриятнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш инсонларнинг эҳтиёжлари, мафаатлари, мақсадлари, қизиқиш-ларидан келиб чиқади. Айрим ҳолларда эҳтиёж ва манфаатлар бир-бирига зид келиши мумкин. Муайян ижтимоий гуруҳ, миллат, синфлар учун олий қадрият ҳисобланган ҳодисалар бошқалар учун қадрият бўлмаслиги мумкин. Табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушинилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Улар моҳиятига кўра турларга бўлинади. Аввало, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар: ер ва ер ости бойликлари, бошқа табиат неъматлари катта аҳамият касб этади.

Инсон меҳнати, ақли билан яратилган моддий бойликлар моддий қадриятлар ҳисобланади. Маданий-маънавий қадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек, жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар ҳам ўрин тутаяди. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамиятга эга.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади. Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар мазмуни жихатидан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад интилишига мувофиқ келади.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Булар: Ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, қирғин қуроолларини тўхтатиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказолар.

Маданий мерос - бу ўтмишда қолган қадриятлар ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу

жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф қилиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўллари танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва хиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

2.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 25</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Моддий ва маънавий маданият ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги. 2. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаёти-даги ўрни. 3. Маданият бойликлари.
<i>Машғулоти мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш</i>	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
· мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш-нинг мотивациясини ярата-ди; · ўз мустақил фикрини баён этиш ва шакллантириш жа-раёнини ташкил этади; · мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун муста-қил характеристика бериш-ни ташкил қилади;	· моддий ва маънавий маданият тур-ларини ажратади; · маданиятнинг шахс ва жамият ҳаёти-даги ўрни ҳақида ижодий эссе ёзади; · маданият бойликлари-га кенгайтирилган тавсиф беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, гуруҳ.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулоти-нинг технологик картаси

<i>Иш жараё-нлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>

I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади уни гуруҳларда ўтказиш режаси эълон қилинади.	Мавзу номини ёзиб олади.
	1.2. Моддий ва маънавий маданият улар-нинг ўзаро алоқадорлиги қандай? Савол-ни ўртага ташлайди. Саволга жавоб беришда “Таққослаш таблицаси” усулидан фойдаланишни таклиф этади. (1-илова). Жавобларни якунлаб хулоса қилади.	Жадвални тўлдиради.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни қандай? Саволга жавоб беришда “Ижодий эссе” усули қўлланади. Жавоблар умумлаштириб хулоса қилинади.	Жавоб беради.
	2.2. Хар бир гуруҳга қуйидаги саволлар берилади: 1. Нима маданият бойликларига мисол бўла олади? 2. Сиз тўхилган жойда қандай маданий ёдгорликлар бор? 3. Улар қандай ҳолатда? Саволларга жавоб берадилар. Гуруҳларда тақдимот ўтказишни ва бир-бирларини баҳолашни ташкил этади.	Саволларга жавоб беради.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Топшириқни бажариш жараёнидаги хулосаларни умумлаштиради, билимлар-ни тўлдиради.	Ўз фикрини эркин намоён этади.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тинг-ловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаш-тириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайди.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(2.2)-Илова.

Таққослаш таблицаси

Моддий ва маънавий маданиятни таққосланг:

Моддий	Маънавий
--------	----------

--	--

3 мавзу	МАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ. АРХАИК (ИБТИДОЙ) МАДАНИЯТ
--------------------------	--

3.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 60	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Мавзу бўйича информацион маълумотга эга бўлган маърузани олиб бориш технологияси
<i>Маъруза режаси</i>	1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуна-лари. 2. Сўнгги палеолит даври маданияти. 3. Янги тош асри (неолит) маданияти. 4. Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Архаик (Ибтидоий) маданият ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
· архаик маданиятнинг даст-лабки намуналари билан та-ништиради; · сўнгги палеолит даври ма-данияти ёритиб беради; · янги тош асри маданияти ҳақида маълумот беради; · жез даврида янги турдаги маданиятнинг шакллани-шини ёритиб беради.	· маданиятнинг дастлабки намуналарини санаб бера олади; · сўнгги палеолит даври маданиятини тушунтириб бера олади; · янги тош асри маданияти намуналарини санаб бера олади; · жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланишини айтиб бера олади.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, тушунтириш, намойиш, блиц-сўров.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Тинглайди.
	1.2. Мавзу бўйича маъруза машғулоти-нинг таянч иборалари ва маъруза режа-сига изоҳ беради. Мавзу бўйича блиц-сўров усулида маълум бўлган тушун-чаларни фаоллаштиради. Савол: Ибти-доий маданият деганда нимани тушу-насиз? Жавобларни умумлаштириб қис-қача хулоса қилади.	Тинглайди. ЎУМ га қарайди.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Ўқув машғулотининг 1-2 режаси бўйича маъруза қилади. Ибтидоий мада-ниятнинг дастлабки намуналари слайд-схемалар орқали намойиш қилади (1-илова).	Тушунчаларни санаб беради.
	2.2. Дарсни жонлантириш мақсадида 1-2 режа асосида тузилган тест саволларини экранга туширади. (Илова 2). Берилган жавоблар якунланиб, хулоса қилади.	Тинглайди.
	2.3. 3-4 режа асосида маъруза қилинади. Слайд-схемалар намойиш қилинади.	Схема-слайдлар-нинг мазмунини муҳокама қилиб боради ва савол беради.
	2.4. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақ-садида талабаларга варақлар тарқатилади. Экранга “Каскад” усули туширилади. (3-илова). Жавоблар якунланиб хулоса қилинади. Ҳар бир талаба иштирок этганига қараб баҳоланади.	Саволларга жавоб беради. Организаторни тўлдирди.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.	Тинглайди.
	3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб олади.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқур-лаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	ЎУМ га қарайди.
	3.4. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар).	ЎУМ га қарайди.


ЎҚУВ-ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(1.1)-Илова


1-слайд

Тотемизм -
хайвонот ёки ўсимлик-
нинг муайян турларини
илоҳийлаштириш

Анимизм –
руҳлар мавжудлигига
ишонч



2-слайд






Мифо-
логия

“Каскад” техникасининг қондаси

Иерархик ғояларни таркибини намойиш этиш имконини беради. Асосий мақсад: ижодий ва таҳлилий фикрлашни фаоллаштириш.

**“Каскад” техникаси**

- 1) “Каскад” ни тузиш жараёнида системали схеманинг элементлари ва таркибларини илгари суриш мумкин. Бу эса унинг ҳолатини қайта ўйлаб кўришга имкон беради.
- 2) Сиз ғояни ишлаб чиқишда боши берк кўчага кириб қолсангиз, бир-икки қатлам тепага қайтинг ва қаранг, муҳим нарсани эсдан чиқармадингизми, бошқача йўл тутиш мумкинми.
- 3) Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўрганиб қолдингиз. “Каскад” ни ўнгдан чапга чизишга ҳаракат қилинг.

3.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 21	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустах-камлашга қаратилган амалий машғулоти.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари. 2. Сўнгги палеолит даври маданияти. 3. Янги тош асри (неолит) маданияти. 4. Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.
<i>Машғулоти мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
· мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мус-таҳкамлаш; · мавзу бўйича билимларга характеристика беришни ўргатиш; · ўз мустақил фикрини баён этиш ва ривожлантириш; · ўзига хос хусусиятларини очиқ беришни ўргатиш;	· ибтидоий маданиятнинг дастлабки намуналарини айтиб бера олади; · сўнгги палеолит даври маданияти намуналарини ажрата олади; · янги тош асри маданиятига тавсиф беради; · жез даврида янги турдаги маданият-нинг шаклланиши ҳақида ўз фикрини айта олади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	<i>Баҳс-мунозара.</i>
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска, топшириқлар.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, гуруҳ.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни “Кичик гуруҳларда ишлаш” орқали амалга оширилишини эълон қилади (1-илова).	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Талабаларни машғулотдаги фаолияти-ни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради. (3-илова).	ЎУМга қарайди.
	1.3. Талабаларни фикрларини умумлаш-тириб уларни 3-4 та кичик гуруҳларга бўлади.	Топшириқлар билан танишадилар
	1.4. Мавзу бўйича тайёрланган топши-риқларни таркатади. (4-илова).	Топшириқ билан танишади.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради. Қушимча маълумот-лардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.	Мустақил ишлайди.
	2.2. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман қоғозларга чизиб, тақдимотни ўтказишда ёрдам беради, изоҳ беради, жавобларни умулаштиради, хулосалайди.	Гуруҳларга бўли-надилар. Ҳар бир гуруҳдан жамоа сардори чиқиб тақ-димот ўтказади.
	2.3. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ват-ман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўт-казишда ёрдам беради. Жавобларни тинг-лаб хулосалайди.	Тақдимот ўтказадилар.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. “Ўзбекистоннинг қайси жойларида ибтидий маданият намуналари топилган” мавзусида эссе ёзиб келиш.	ЎУМ га қарайдилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларини чуқур-лаштириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайдилар

ЎҚУВ-ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(3.2)-Илова.

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Талабалар топшириқни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.

4. Гурухлардаги фикрлар кегараланмаганлиги ва тазиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гурух иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билимлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқатда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

2(3.2)-Илова.

Гурух ишини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гурухлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши. 0-5 балл	Тақдимотни график расмийлаш- тиради. 0-5 балл	Гурух аъзоларининг фаоллиги. 0-5 балл.	Жами балл

Эксперт варақлари

1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари.
2. Сўнгги палеолит даври маданияти.
3. Янги тош асри (неолит) маданияти.
4. Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.

ТЕСТЛАР

1. Илк полеолит даврида яшаган одамларнинг манзилгоҳлари қаерлардан топилган?
А) Селунгур ғоридан.
Б) Тешиктош ғоридан.
В) Замонбобо манзилгоҳидан.
Г) Кўлбулоқ маконидан.
2. Диннинг ибтидоий шакллари аниқланг.
А) Буддавийлик, насронийлик, монийлик.
Б) Тотемизм, анимизм, фетишизм, шаманизм.
В) Магия, шаманизм, ислом.
Г) Зардуштийлик, яхудийлик, синтоизм.
3. Ибтидомий маданиятнинг турларини аниқланг.
А) Моддий ва маънавий маданият.
Б) Дехқончилик, чорвачилик.
В) Ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик, наққошлик.
Г) Рассомчилик, иш қуролларини яратиш, маросимлар.
4. Замонбобо маданияти намуналари қайси ҳудудда топилган?
А) Самарқанд вилояти.
Б) Фарғона вилояти.
В) Бухоро вилояти.
Г) Тошкент вилояти.

4 мавзу	ҚАДИМГИ ШАРҚ МАДАНИЯТИ
--------------------------	-------------------------------

4.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 60-70	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Маишулот шакли</i>	Мавзу бўйича информацион маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Қадимги Миср маданияти. 2. Қадимги Мессопатамия маданияти. 3. Қадимги Ҳиндистон маданияти. 4. Қадимги Хитой маданияти.
<i>Маишулотнинг мақсади:</i> Қадимги Шарқ маданияти ҳақида умумий тасав-вурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• қадимги Миср маданиятини тушунтириб беради; • қадимги Мессопатамия маданияти билан таништиради; • қадимги Ҳиндистон ва Хитой маданияти ҳақида маълумот беради; • Антик Юнон ва Рим маданиятига тавсиф беради;	• қадимги Миср маданиятини айтиб бера олади; • қадимги Мессопатамия маданиятини ўзига хос жиҳатларини очиб беради; • қадимги Ҳиндистон ва Хитой маданиятига изоҳ беради; • Антик Юнон ва Рим маданияти ҳақида айтиб бера олади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, тушунтириш, инструкция бериш, намойиш, блиц-сўров,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Тинглайди.
	1.2. “Ақлий ҳужум” усулидан фойдалан-ган ҳолда талабаларга қуйидаги саволлар берилади.	Тинлайдилар. ЎУМ га қарайди.
	1.3. Нима сабабдан Шарқни Жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири дей-миз?	
	1.4. Дунёнинг етти мўжизаларидан қайси бирлари Шарқ ҳудудида жойлашган? Берилган жавобларни қисқача умум-лаштириб хулоса қилади.	
	1.5. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	
	1.6. Мавзунинг 1-3 режалари асосида минилекция ўқиб беради. Уларни хулосалар якунлайди.	
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Талабаларни тўрт гуруҳга бўлиб мустақил ишлаш учун топшириқ беради. Савол: “Қадимги Миср ва Ҳиндистон маданиятининг ўзига хос хусусият-ларини кўрсатиб беринг”? Саволни Т-схемага мослаштиринг. (1-илова). Ҳар бир гуруҳ сардори тақдимотдан сўнг жавобларни хулосалайди ва фаол талабаларни рағбатлантиради.	Тушунчаларни санаб беради. Тинглайди. Схема-слайдлар-нинг мазмунини муҳокама қилиб боради ва савол беради. Т-схемани тўлдиради.
	2.1. 4-режа асосида қисқа маъруза қила-ди. Талабаларга топшириқни беради: (2-илова). Қуйидаги мультимедиа орқали намо-йиш қилинадиган лавҳалар қайси мада-ният намуналарига киради? Экранга Антик Юнон ва Рим мада-нияти ҳақидаги лавҳалар намоиш қи-линади.	Саволларга жавоб беради.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.	Тинглайди.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тинг-ловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Мустақил ўрганиш учун топшириқ-ларни ёзиб оладилар.
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	Ёзиб олади.
	3.4. Мавзу бўйича билимларни чуқур-лаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	
	3.5. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	ЎУМ га қарайдилар.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(4.1)-Илова


Т-схемани тўлдириг:

Тўғри	Нотўғри
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.

Саволлар:



1. Географик ҳудуднинг қулайлиги.
2. Бир –бирлари билан қўшичилик алоқаларининг яхшилиги.
3. Аҳолининг зич жойлашганлиги.
4. Ер ости бойликларининг кўплиги.
5. Иш қуролларининг яхши ривожланганлиги.
6. Мифологик дунёкарашнинг барвақт ривожланганлиги.
7. Дарёларнинг оқиб ўтганлиги.
8. Фиръавнларнинг яшаганлиги.
9. Ернинг унумдорлиги.
10. Бошқа ҳудудларда яшаган инсонларга нисбатан ақллиги.

1-слайд



**Матема-
тика**

Табобат

2(4.1)-Илова
1-слайд

2-слайд

Қадимги Юнон маданияти бешта даврга бўлинади:

Эгай маданияти (э.р. авВ) 2800-2100 йиллар);

Гомер даври (эр. авВ) XI-IX асрлар);

Архаик маданияти даври (эр. авВ) VIII-VI асрлар);

Классик (юқори даражадаги) даври (эр. авВ) V-IV асрлар);

Эллинизм даври (эр. авВ) 323-146 йиллар).

4.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 26</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Қадимги Миср маданияти. 2. Қадимги Мессопатамия маданияти. 3. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой маданияти. 4. Антик Юнон ва Рим маданияти.
<i>Машғулоти мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
• назарий билимларни мустаҳкамлатди; • мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; • кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этади; • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради;	• қадимги Миср маданиятини айтиб бера олади; • қадимги Мессопатамия маданиятини ажрата олади; • қадимги Шарқ маданиятини ривожланиш сабабларини кўрсата олади; • Антик Юнон ва Рим маданияти ҳақида тушунча ҳосил қилиб, ўз эркин фикрини намойиш этади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, вазиятли ишланма усули
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, коллектив.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб олади.
	1.2. Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Ёзиб олади.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Экранга мавзу бўйича тайёрланган тест саволларини туширади. (1-Илова). Тест. Мавзу қай даражада ўзлаштирилганлиги текширади.	Жавоб беради
	2.2. Тест жавобларини муҳокама қилади ва баҳолайди.	Гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳдан жамоа сардори чиқиб тақдимот ўтказади. Ўқув топшириғи ва баҳолаш мезонлари билан танишади.
	2.3. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади ва топшириқни тарқатади. Топшириқ: Қадимги Шарқ маданиятини ривожланиш босқичларини Кластер усулида тўлдириш. (2-илова). Кластер усулидан фойдаланишни тушунтиради.	Саволлар беради.
	2.4. Топшириқни бажаришда маслаҳат беради.	Тинглайди.
	2.5. Гуруҳ сардорларининг тақдимот маросимини ўтказишларини ташкил этади.	ЎУМ га қарайди.
	2.6. Тўлдирилган жадвалларни бир-бири билан солиштириб, жавобларни умумлаштиради ва хулоса қилади.	Эркин фикрини билдиради.
	2.7. Гуруҳларни бир-бирларини баҳолашларини ташкил қилади.	Баҳолайди.
III-босқич. Якуний (5-минут)	3.1. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.
	3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаш-тириш учун адабиётлар беради.	Ёзиб олади.
	3.3. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. Кейинги маъруза машғулоти тайёргарлик кўришни, маъруза матнини ўқиб Инсерт асосида белгилаб келишни айтади. Кейинги маъруза машғулотини ўқиш-ни, докладчилар учун саволлар тузиб келишни топширади. Реферат мавзуларини беради, докладчиларни тақризчиларни, оппонентларни белгилаб олади.	ЎУМга қарайди.

ТЕСТЛАР

1. Театр қайси давлатда пайдо бўлган?
А) Юнонистонда.
Б) Ҳиндистонда.
В) Хитойда.
Г) Мисрда.
Д) Римда.
2. Хеопс мақбараси қерда жойлашган?
А) Индонезия.
Б) Ҳиндистон.
В) Хитой.
Г) Миср.
Д) Бобил.
3. Игна билан даволаш биринчи бор қайси давлатда қўлланилган?
А) Хитойда.
Б) Японияда.
В) Ҳиндистонда.
Г) Марказий Осиёда.
Д) Кореяда.
4. “Бобил минораси” қайси давлат ҳудудида жойлашган?
А) Юнонистон.
Б) Ҳиндистон.
В) Мессопотамия.
Г) Хитой.
Д) Миср.

2(4.2)-Илова.


“Кластер” техникаси


Кластер – фикрларни тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат

қилади. Шунингдек, ўтилган мавзун мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундайди.

Кластер техноллогияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча талабалар шу сўз бўйича хаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.





5.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 60	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича Б/Б/Б таблицасидан фойдаланган ҳолда инфор­мацион маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устуворлиги. 2. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. 3. Диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. 4. Техноген маданият ва унинг моҳияти.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Диний маданият ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Шарқ ва Ғарб мамлакалари маданиятида диннинг устувор­ли­ги ҳақида маълумот беради; • Шарқ ва Ғарб диний мадания­тининг ўзига хос хусусият­лари ёритиб беради; • диний маданиятлардаги ютуқ­лар ва уларнинг жаҳон мада­ния­тидаги ўрнини тушунти­ради; • техноген маданият ва унинг моҳиятини таништи­ради;	• ўрта асрлар маданиятида диннинг усту­вор­лик сабабларини айтиб бера олади; • Шарқ ва Ғарб диний мадания­тининг ўзига хос хусусият­ларига мисол келтира олади; • диний маданиятлардаги ютуқларни айтиб бера олади; • техноген маданият ва унинг моҳияти ми­сол келтира олади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, тушунтириш, Инсерт техникаси, тақдимот, график органайзер, Б/Б/Б таб­лицаси.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Тинглайди.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Экранга Б/Б/Б жадвалини ва изоҳни туширади. (1-илова). Ишчи дафтарларига таблица чизиш, таблицанинг 2 устунини маъруза режасига мос равишда тўлдириш топширигини беради.	Тушунчаларни санаб беради.
	2.2. Талабаларга маъруза матнини ўқиш жараёнида хошиясига қўйилган белги-лардан фойдаланган ҳолда қуйидаги са-волларга жавоб беришни таклиф этади. 1) Улар ҳозирда нимани билишади? (мустакил жавоб бера оладиларми?). 2) Тушинилмаган ва ўзлаштирилмаган нималар қолди? 3) Қандай қўшимча ахборот талаб этилади? Таянч ибораларнинг номерини қўйган ҳолда 3,4 устунларни тўлдирадилар. (2-илова). Блиц-сўров ўтказилади. Бир неча жавоб-ларни эшитиб кейинги жараён кичик гуруҳларда давом этишини эълон қилади.	Тинглайди.
	2.3. Талабаларни 4 кичик гуруҳларга бўлади. Топшириқ беради. 1) Б/Б/Б таблицасининг 4 устунидаги мавзу қисмлари гуруҳ рақамига мос келган ҳолда ахборот яқка таҳлил этиш тавсия этилади: 1 гуруҳ 1 савол бўйича, 2 гуруҳ 2 савол бўйича ва ҳ.к. 2) Ўзлаштирилмаган 1-2 саволларни умумлаштиради. 3). Маъруза матнига таянган ҳолда биргаликда жавобларни тайёрлаш. 4). Б/Б/Б таблицаси кўринишида мавзу-нинг берилган саволини тақдиротига тайёрланиш. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади:	Тинглайди. Тинглайди.
	2.4. Тақдирот ва жавобларни муҳокама-сини ташкил этади.	Мустакил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб

		олади.
	2.5. Ҳар бир гуруҳнинг берган жавоби-дан сўнг: (1) Аудиторияни ўзлаштириш даража-сини аниқлаш мақсадида “Биз нимани билиб олдик” саволини беради. “Блиц-сўров” ўтказди.	Жавоб беради.
	2.6. Ўқув жараёни натижаларини умумлаштиради, Б/Б/Б якка таблицасининг 5 устунини тўлдиришни таклиф этади.	Жадвални тўлдиради.
III. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Гуруҳ сардорларининг чиқишларини баҳолайди, фаол талабаларни рағбатлантиради. Жавобларни умумлаштириб хулоса қилади.	Тинглайди.
	3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради.	ЎУМ га қарайди.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(5.1)-Илова

Илова Б/Б/Б.

№	Режа саволлари	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1				
2				
3				
4				

Таянч иборалар

1.	Ўрта асрлар.	11.	Мўжаз суратлар.
2.	Араб халифалиги.	12.	Муқаддас манзилгоҳ.
3.	Ислом дини.	13.	Мактаб ва мадрасалар.
4.	Христиан дини.	14.	Худонинг элчилари.
5.	Инжил асотирилари.	15.	Муҳаммад пайғамбар.
6.	Мадина шаҳри.	16.	Маҳобатли меъморилик.
7.	Масжид)	17.	Готика услуби.
8.	Черков)	18.	Авлиё София ибодатхонаси.
9.	Сўфийлар.	19.	Расадхона)
10.	Иконалар.	20.	Ақлий – мантикий тафаккур.

Блиц-сўров саволлари

№	Савол	Жавоб
1.	Диний маданиятнинг ўзига хослиги нимада?	
2.	Умуминсоний маданиятда диний маданиятнинг ўрни?	
3.	Нима сабабдан Ислом дини маданиятида сураткашлик таъқиқланган?	
4.	Иконалар чизиш қайси диний маданиятга хос?	
5.	Техноген маданиятнинг асосий белгилари нимада?	

5.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 21	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устиворлиги. 2. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос

	хусусиятлари. 3. Диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. 4. Техноген маданият ва унинг моҳияти.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
• мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратади; • мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. • кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади. • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради.	• амалий машғулот режалари билан олдин-дан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради. • Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устивор-лигини ёритиб бера оладилар. • Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради-лар. • диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрнини ёри-тиб бериб, ўз эркин фикрини намоён этади.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат, “нима учун”, “кооп-кооп”.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, коллектив
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширилишини эълон қилади.	Мавзу номини ёзиб олади.
	1.2. Талабаларни фикрларини жонлантириш мақсадида кластер услубидан фойдаланил-ган ҳолда қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Диний маданият деганда нимани тушунасиз? (1-илова) Фикрларни умумлаш-тириб амалий машғулотни бошлайди.	Ёзиб олади. Жавоб беради.
	1.3. Талабаларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезон-лари билан таништиради. (2-илова).	Гуруҳларга бўлинади
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Гуруҳларга топшириқ беради: 10 мин. Ичида ҳар бир гуруҳ қуйидаги мавзулар бўйича умумий эссе ёзинг. 1. Ислом дини маданияти. 2. Христиан дини маданияти. 3. Диний маданиятлардаги ютуқлар.	Топшириқлар билан танишади.
	2.2. Эссе ёзиш учун йўриқнома беради, тақдимотни тайёрлашга кўмаклашади, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради хуло-саларга алоҳида эътибор қаратади. Топ-шириқни қай даражада тўғри бажарилишини диққат билан кузатади.	Гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдан жамоа сардори чиқиб тақдимот ўтказади.
	2.3. Гуруҳларга “Шарқ ва Ғарб маданиятида диннинг устуворлиги” мавзусини ёритиб беринг – деб савол билан мурожаат қилади.	Ўқув топшириғи ва баҳолаш мезонлари билан танишади.
	2.4. Ишни бошланганлигини эълон қилади, ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғоз-ларга тушириб, тақдимотни ўтказишда ёрдам беради.	Мустақил ишлайди.
	2.5. Иш тақдимотини ташкил қилади, изоҳ беради, талабаларнинг билимларини умум-лаштиради, хулосаларга эътиборини қара-тади.	Тақдимот ўтказади.
	3.1. Иш бўйича якунловчи хулосалар қилади.	Саволлар беради.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тинглов-чилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Кейинги маъруза-конференцияга тайёр-ланиб келиш учун докладчиларга мавзу-ларни беради.	ЎУМ га қарайди.

1(5.2)-Илова

“Кластер” техникаси

Кластер – фикрларни тармоқланиши - бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундайди. Кластер техноллогияси куйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча талабалар шу сўз бўйича ҳаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.

Кластер 73 бетга қаралсин!

2(5.2)-Илова

Талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари.

Гуруҳ	1-топшириқ (1,5б)	2-топшириқ (1,5б)	3-топшириқ (3 б)	Баҳо
I				
II				
III				

1,5-1,3- аъло

1,2 – 1 яхши


0,9 – қониқарли

2,9-3- аъло

1,9 – яхши

1,2 – қониқарли

КЛАСТЕР



6 мавзу	ВАТАН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ
--------------------------	---

6.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 62	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Маишулот шакли</i>	Мавзу бўйича маъруза – конференция.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Марказий Осиёдаги қадимги маданият-нинг ўзига хос хусусиятлари. 2. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлат-лар маданияти. Юнон-Бақтрия маданияти. Кушон маданияти. 3. Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат.
<i>Маишулотнинг мақсади:</i> Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти ҳақида тасаввурни шакллантириш, Ватан маданияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Марказий Осиёдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради; • Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар маданияти билан таништиради; • меъморчилки, тасвирий санъат ва амалий санъат на-муналарини гапириб беради;	• Ватан маданияти ҳақида тушунча ҳосил қилади; • Хоразм, Юнон-Бақтрия, Кушон давлатлари маданияти ҳақида маълумотга эга бўлади; • меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат намуналарини ажрата олади;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, тушунтириш, инструкция бериш, намоёиш, блиц-сўров)
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, коллектив иш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
Тайёргар-лик босқичи	1) Бўлажак конференциядаги маъруза мавзуларини эълон қилади. (1-илова). 2) Ўқув машғулотининг ўзлаштиришда-ги муҳимлигини тушунтиради. 3). Маъруза машғулотида тайёргарлик кўришда керак бўладиган адабиётлар рўйхатини тавсия этади. 4) Докладчилар мавзуларни танлаб олиш-ларини ташкил этади. Ҳар бир мавзу бўйича оппонент ва тақризчиларни белги-лаб олади. 5) Докладчиларга ўз мавзулари бўйича режа тузишлари учун топшириқ ва маслаҳат беради. 6) Талабаларга маъруза матни бўйича савол тузишларини топширади. 7) Докладчиларни, оппонентларни ва тақризчиларни баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова). Докладчилар билан маъруза ўтказиш услуги, ташкилий тузилиши, бошловчи-нинг, тақризчининг экспертнинг чиқиш-лари тартибини муҳокама қилади.	Маърузага тайёрла-нади. Оппонент ва тақризчилар маъру-зачиларга бирикти-рилади. Докладчи-лар ўз реферат ре-жасини тузадилар. Маъруза матнидан ва қўшимча қўллан-малардан фойдалан-ган ҳолда маъруза-чиларга саволлар тайёрлашади. Сўзга чиқувчилар-нинг тартиби ва ба-ҳолаш мезонлари билан танишадилар. Рефератни ёзиб, кўргазмали курул-лардан фойдала-нишади. ЎУМ га қарайди.
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини ва ўқув фаолиятининг мақсадини эълон қилади. Бошловчи билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Маъруза-конференцияни баҳс-муно-зара шаклида ўтказилишини эълон қи-лади. Баҳс – мунозара тартибини эслатиб ўтади. Экранга докладчиларнинг, оппо-нентларнинг, тақризчиларнинг баҳолаш мезонларини туширади. (3-илова).	Тинлайдилар. ЎУМ га қарайдилар.
II-босқич. Асосий	2.1. Докладчи-талабаларни чиқишларини ташкил этади.	Тушунчаларни санаб берадилар.

(50 минут)	2.2. Докладнинг мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади. Бошловчи билан муҳокамани олиб бориш жараёнини ташкил этади. - савол беради. - докладнинг тайёргарлик даражасини ариқлайди. - айtilган фикрларни жонлантиради. - материал мазмунинг мантиқийлиги кузатиб боради. - эҳтиёж сезилса сўзга чиқувчини тўх-татиб маърузани жамоа бўлиб муҳокама этишни ташкил этади.	Тинглайдилар, ЎУМ га қарайди.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Якун ясайди, натижаларни умумлаштиради. Мавзу бўйича олинган баллар жорий назорат графасига ўйилишини эълон қилади.	Тинглайдилар.
	3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради.	Мустақил ўрганиш учун топширик-ларни ёзиб оладилар.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(6.1)-Илова

Конференциядаги маъруза мавзулари

1. Марказий Осиёдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар маданияти. Юнон-Бақтрия маданияти. Кушон маданияти.
3. Марказий Осиёда меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъатнинг ривожланиши.

Муҳокама ва мулоҳаза учун саволлар

1-мавзу. Марказий Осиёдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Марказий Осиёда дастлаб маданиятнинг қайси турлари ривожланди?
2. Марказий Осиёда маданиятнинг барвақт ривожланишига асосий сабаб нимада?
3. “Авесто” Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаётига қандай таъсир қилд?
4. “Буюк ипак йўли” маданиятнинг ривожланишига қандай таъсир қилди?

2-мавзу. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар маданияти. Қадимги Хоразм, Бактрия, сўғд)

1. Марказий Осиё ҳудудидаги дастлабки ёзув қайси ёзув ҳисобланади?
2. Маданият синтези деганда нимани тушунаси?
3. Маданиятнинг қайси кўринишлари кўпроқ ривожланди?
4. Қўшни давлатлар билан маданий алоқалар қай даражада ривожланган?

3-мавзу. Юнон – Бактрия, Кушонлар давлатида меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъатнинг ривожланиши.

1. Эллинистик маданиятини таърифлаб беринг.
2. Кушонлар давлатида қайси дин давлат дини даражасига кўтарилган?
3. Маданиятнинг қайси йўналишлари кўпроқ ривожланди?
4. Ҳозирги кунда қандай маданият ёдгорликлари сақланиб қолган?

Тестлар

1. Марказий Осиё ҳудудида қадимда қандай ёзув мавжуд бўлган?
А) лотин ёзуви
Б) қадимги яхудий ёзуви
В) Авесто, Хоразм, Сўғд ёзувлари
Г) кирилл ёзуви
Д) Рус грамматикаси
2. Марказий Осиё халқларининг қадимги дини қандай бўлган?
А) ислом дини
Б) насронийлик дини
В) буддизм дини
Г) зардуштийлик дини
Д) тотемиз дини
3. Қадимги Марказий Осиё халқларининг маданияти тўғрисидаги ёзма манба қайси?
А) Қадимги Юнон, Эрон ва Хитой манбалари
Б) Қадимги Миср манбалари
В) Қадимги Рус манбалари
Г) Қадимги Хиндистон манбалари
Д) Қадимги Хитой манбалари
4. Қадимги Сўғд ва Бактрия маданияти тўғрисидаги дастлабки маълумотлар кимларнинг асарларида ўз ифодасини топган?
А) Геродот, Стробон, Фукидид

- Б) Форобий, Ибн Сино, Беруний
- В) Арасту, Афлотун, Сукрот
- Г) Гегель, Фейербах, Кант
- Д) Умар Хайём, Улуғбек

5. Қадимги Марказий Осиё халқлари динининг муқаддас китоби қайси?

- А) Авесто
- Б) Инжил
- В) Таврот
- Г) Қуръон
- Д) Хадис

3(6.1)-Илова

Бахс –мунозара иштирокчилари баҳолаш мезонлари кўрсаткичи


Баҳолаш мезонлари кўрсаткичи (балларда)		Иштирокчилар Маърузачилар Ф.И.Ш.		
1.Маъруза мавзуси (2,5)	1	2	3	4
Мавзуга мослиги (1,5)				
Баённинг мантиқи ва аниқлиги кетма-кетлиги (0,5)				
Хулосанинг аниқлиги (0,5)				
2.Фойдаланилган қуроллар (кўргазма)- (0,9)				
3.Риоя қилинган регламент –(0,6)				
Хулоса (баланд даража- 4,0)				
		Такризчилар Ф.И Ш		
	1	2	3	4
1.Маъруза характеристикаси (3,0)				
-маърузанинг кучли тараф/ини юзага чиқариш (1,2)				
-маърузанинг кучсизлигини юзага чиқариш (1,2)				
3.Регламентга риоя қилиш (0,6)				
Хулоса (баланд даража – (3,0)				

		Оппонент, бахс иштирокчиси. Ф.И Ш.		
	1	2	3	4
1.Саволлар:				
-сони(0,3 хар бирига)				
2.Қўшимчалар				
-сони (0,2 хар бирига)				
-борига қараб (0,3)				
Хулоса: (баланд даражаси- 3,0)				

Марказий Осиёдаги қадимги маданиятлар


Жойтун маданияти	- мил. авВ) 6-5 минг йилликлар.
Калтаминор маданияти	- мил. авВ) 5-4 минг йилликлар.
Хисор маданияти	- мил. авВ) 5-4 минг йилликлар.
Намозгох-Анов маданияти	- мил. авВ) 4-2 минг йилликлар.
Замонбобо маданияти	- мил. авВ) 3-2 минг йилликлар.
Саразм маданияти	- мил. авВ) 3-2 минг йилликлар.
Тозабогёб маданияти	- мил. авВ) 2- минг йилликлар.
Сополли-Жарқўтон маданияти	- мил. авВ) 2- минг йилликлар.

2-слайд



3-слайд

Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти



6.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 26</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Марказий Осиёдаги қадимги маданият-нинг. 2. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлат-лар маданияти. Юнон-Бақтрия мадания-ти. Кушон маданияти. 3. Меъморчилик, тасвирий санъат ва ама-лий санъат.
<i>Машғулоти мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш</i>	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
• мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мус-таҳкамлашаг ёрдам беради; • кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади; • ўз нуқтаи назарига эга бў-лишни шакллантиради;	• Марказий Осиё халқларининг қадимги маданиятини ёритиб бера олади; • Марказий Осиёдаги илк давлатлар маданиятини айтиб бера олади; • меъморчилик, тасвирий санъат ва ама-лий санъат намуналарига изоҳ беради.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат, конверт.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска)
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, яқка тартибдА)
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва вазифаларини айтади. (Амалий машғулотни ўтказишда олдиндан топшириқ ва вазифалар беради).	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширилишини эълон қилади. Талабаларни доира ёки тўртбурчак шаклда столлар атрофида икки гуруҳга бўлади.	Ёзиб оладилар. Жавоб берадилар.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. “Конверт” техникасидан фойдаланган ҳолда ҳар бир гуруҳ навбат билан конвертга солинган топшириқларни олади. (1-илова).	
	2.2. Топшириқларга тайёргарлик кўриш учун 5 мин., жавоб бериш учун эса 10 мин. берилади.	Топшириқни олади.
	2.3. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. (2-илова). Баҳс-мунозарани бошқариб боради. Зарур ҳолларда аралашади ва керакли томонга йўналтиради.	Тайёргарлик кўради.
	2.4. Гуруҳларнинг жавобларини тинглаб, уларни баҳолайди.	Топшириқни бажаради.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол тала-балрни баҳолаш мезони орқали рағбатлан-тиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мустақил тайёрлаш учун топшириқ беради. Эссе ёзиш.	

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(6.2)-Илова.

“Конверт” техникаси учун саволлар

(Ҳар бир савол конвертларга алоҳида солинади).

1. Марказий Осиё ҳудудида қандай қадимий халқлар яшаган ва давлатлар бўлган?
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хослиги нимада?
3. Марказий Осиё маданиятининг характерли белгиларини айтинг.
4. Марказий Осиё халқлари Ислом динига қадар қандай динларга эътиқод қилишган?
5. Зардуштийлик динида меҳнатга муносабат қандай бўлган?
6. Кушон империяси даврида маданиятнинг қайси кўринишлари кўпроқ ривожланган?
7. Қадимги юнон маданияти Марказий Осиё маданиятига қандай таъсир қилган?
8. Марказий Осиё халқларининг дастлабки ёзувлари қандай бўлган?
9. Бизгача “Авесто” китобининг қайси қисмлари етиб келган?
10. Ҳозирги кунда Фаёзтепа манзилгоҳидан топилаётган маданият намуналари қайси даврга мансуб?

2(6.2)-Илова.

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва муоммолари	I гуруҳ	II гуруҳ
1-топшириқ: (1,5 балл)		
-Саол ёритиб берилди (0,5 балл)		

-регементга эътибор қаратилди.(0,5 балл)		
-гуруҳ фаол қатнашади (0,5балл)		
2-топшириқ: (1,5 балл)		
-муаммо ечимини топди (0,5 балл)		
-матндан тўғри хулоса чиқарилди (0,5 балл)		
-мисоллар билан умумлаштирилди .(0,5 балл)		
Жами: (3 балл)		

0,5 балл – “аъло”

2,5 балл – “аъло”

0,4 балл – “яхши”

1,9-2,4 балл – “яхши”

0,3 балл – “қониқарли”

1,8-2,3 балл – “қониқарли”

7 мавзу	IX-XII АСРЛАР ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ
------------	---

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 62	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Маишулот шакли</i>	Информацион маълумотга эга бўлган маъруза.
<i>Маъруза режаси</i>	1. IX-XII асрлардаги Шарқ Уйғониш даври ва унинг асосий омиллари. 2. Шарқ Уйғониш даври алломаларининг жаҳон фани равнақидаги ўрни. 3. Меъморчилик ва тасвирий санъатнинг юксалиши.
<i>Маишулотнинг мақсади:</i> Шарқ Уйғониш даври ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Шарқ Уйғониш даври ва унинг асосий омилларини ёритиб беради; • Марказий Осиёдан чиққан алломаларнинг жаҳон фани равнақида кўшган ҳиссасини ҳақида маълумот беради. • Шарқ уйғониш даврида меъморчилик ва тасвирий санъатнинг қай даражада юксалганлиги ёритиб беради;	• Шарқ уйғониша даври ва унинг асосий омилларини айтиб беради; • буюк аجدодларимизнинг жаҳон фани ривожига кўшган ҳиссаларига изоҳ беради; • Шарқ уйғониша даврида яратилган маданият намуналарини таҳлил қилади.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Ақлий ҳужум”, “Балиқ скелети”, “Пирамида” техникалари, Блиц-сўров услуги.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик картаси


<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қила-ди, ўқув машғулотининг мақсади ва нати-жаларини тушунтиради.	Тинглайди.
	1.2. Ҳар бир тингловчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.	Тинглайди. ЎУМ га қарайди.
	1.3. Мавзу бўйича маъруза машғулоти-нинг таянч иборалари ва маъруза режа-сига изох беради. Мавзу юзасидан блиц-сўров усулида маълум бўлган тушунча-ларни фаоллаштиради.	Мавзу номини ёзиб олади.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Маъруза машғулотини “Ақлий ҳу-жум” усули билан бошлайди. Талаба-ларда Шарқ Уйғониш даври маданияти ҳақида билимлар мавжуд. Уни бевосита мустаҳкамлаш учун “Шарқ Уйғониш даври нечанчи асрларга тўғри келади?” деб савол беради, жавобларни умум-лаштиради.	Тушунчаларни санаб беради.
	2.2. Ўқув машғулотининг биринчи са-волини “Ақлий ҳужум” усули билан бошлайди. Биринчи саволни “Пирамида” техникаси орқали тушунтиради. (1-илова). Талаба-ларнинг фикрини умумлаштиради.	Тинглайди.
	2.3. Шарқ Уйғониш даври алломалари-нинг жаҳон фани равнақи-га қўшган ҳиссасини жонлантирувчи саволар билан ёритилади: 1. Алжабр фанининг асосчиси ким? 2. Абу Наср Фаробийни нима сабабдан комусий олим деб атаймиз? 3. Биринчи бўлиб ер глобусини қайси олим яратган? 4. «Шайх-ур-раис» унвони олган олим ким бўлган? Жавобларни тинглаб, уларни тўлдиради ва умумлаштиради, хулосалайди.	Схема-слайдлар-нинг мазмунини муҳокама қилиб борадилар ва савол беради.
	2.4. Мавзу юзасидан учинчи саволни ту-шунтиришда талабаларни эркин баҳс-мунозарага тортиш мақсадида “Балиқ склети” техникасидан фойдаланилган ҳолда “Нима сабабдан маданият меъмор-чилик ва тасвирий санъат ривожланди?” деб ёзилган тарқатма материаллар билан ишлашни таклиф қилади. (2-илова). Талабаларнинг фикрини умумлаштириб, уларни хулосалайди.	Саволларга жавоб беради.
	2.5. Таянч ибораларга қайтилади. (Илова 3).	Жавоб беради.

	Талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида “Блиц-сўров” ўтказилади. (3-илова).	
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Маърузада қилинган ҳар бир савол қандай ҳал қилинганлиги тўғрисида якуний хулоса беради.	Тинглайди.
	3.2. Фаол талабалар рағбатлантиради.	Тинглайди.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик қўриш учун топшириқлар ва фойдаланила-диган адабиётлар рўйхати тавсия этади.	ЎУМ га қарайди.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(7.1)-Илова

“Пирамида” техникаси



2(7.1)-Илова

1-савол. IX-XII асрларда Шарқ уйғониш даври маданияти ва

Кўргазмали визуал материаллар

- | | |
|----------------------------|-----------------------|
| 1. Маданият. | 9. “Байт-ул-Хикма”. |
| 2. Уйғониш даври. | 10. Халифа Маъмун. |
| 3. Араб халифалиги. | 11. Ал-Бухорий. |
| 4. Ислом маданияти. | 12. Имом ат-Термизий. |
| 5. Мактаб ва мадрасалар. | 13. Муаллим ас-Соний. |
| 6. Табиий фанлар. | 14. Ижтимоий фанлар. |
| 7. Мантиқнинг устуворлиги. | 15. “Алфраганус”. |
| 8. Дунёвий билимлар. | 16. “Ҳидоя” асари. |

Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган “Блиц-сўров” саволлари.

1. “Шарқ Уйғониш” даврига нечанчи асрлар киради?
2. Маъмун академияси қачон ва қаерда ташкил этилган?
3. “Ҳиндистон” асарининг муаллифи ким?
4. “Дил ба ёру даст ба қор” ибораси ким томонидан айтилган?
5. Аждодларимиздан кимлар Бағдоддаги академияда илмий фаолият юритганлар?
6. Нил дарёсини сатҳини ўлчайдиган қурилма ким томонидан ихтиро қилинган?

Шарқ Ренессанси даври қуйидаги умумий хусусиятларга эга

Маданият, дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигининг таракқийси;
Юнон ва рум, форс, ҳинд ва бошқа маданиятлар ютуқларига суяниш;
Минерология, жўғрофия, кимё ва бошқа табиий фанларнинг ривож;
Услуби (методология)да – рационализм, мантиқнинг устунлиги;
Инсоний дўстлик;
Фалсафанинг кенг даражада ривож топиши;
Адабиёт, шеърят, риториканинг кенг миқёсда ривожланиши;
Билимдонликнинг қомусий характерда эканлиги.

Шарқ уйғониш даврининг буюк сиймолари:

1. Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий (780-890);
2. Абул Аббос Фарғоний (790-860);
3. Абу Наср Фаробий (873-950);
4. Абу Райхон Беруний (973-1048);
5. Абу Али ибн Сино (980-1037);
6. Исмоил Журжоний;
7. Маҳмуд Қошғарий (XI аср);
8. Умар аз-Замахшарий (1075-1144);
9. Ахмад Югнакий (XI аср);
10. Ахмад Яссавий (1105-1165);
11. Баҳоуддин Нақшбанд (XII аср);
12. Имом ал-Бухорий (809-869);
13. Имом ат-Термизий (824-892);
14. Юсуф Хос Хожиб (1021-)

7.2. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 25	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот

<i>Маъруза режаси</i>	1. IX-XII асрлардаги Шарқ Уйғониш даври ва унинг асосий омиллари. 2. Шарқ Уйғониш даври алломаларининг жаҳон фани равнақидаги ўрни. 3. Меъморчилик ва тасвирий санъатнинг юксалиши.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i>
• мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мус-таҳкамлашга ёрдам беради; • кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади; • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради.	• Шарқ Уйғониш даври ва унинг асосий омилларини ёритиб бера олади; • Шарқ уйғониш даври алломаларининг жаҳон фани равнақига қўшган ҳисса-сини айтиб бера олади; • меъморчилик, тасвирий санъат ва ама-лий санъат намуналарига изоҳ беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат, ажурли арра
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материал, компьютерлар, доска
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, коллектив
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқа-ли амалга оширилишини эълон қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Мустақил ишлаш учун берилган топшириқнинг назоратини ўтказди. “Энг яхши эссе” эгаларни рағбатлантиради.	Ёзиб оладилар. Жавоб берадилар.
	1.3. Талабаларнинг машғулотдаги фаоли-ятини баҳолаш кўрсаткичлари ва ме-зонлари билан таништиради. (1-илова).	Топшириқлар билан таниша-дилар
II-босқич. Асосий	2.1. Талабаларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади.	

(65 минут)	2.2. Мавзу бўйича тайёрланган топши-риқларни таркатади. (2-илова).	Топшириқ билан танишади
	2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Уларни баҳолаш мезонлари билан таништиради, “Ажурли арра” техникасининг қонун-қоидаси би-лан таништиради. (3-илова).	
	2.4. Талабалар бир бирларидан ахборот-ларни ўрганишиб бўлингач, улар “Блиц-сўров” орқали ўзлаштириш даражалари аниқланади. (4-илова). Гуруҳларнинг жа-воблари қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайдилар. Ғолиб гуруҳ-ларни баҳолаш мезони орқали аниқлайди.	Гуруҳларга бўли-нади. Ҳар бир гу-руҳдан жамоа сар-дори чиқиб тақди-мот ўтказди. Ўқув топшириғи ва баҳолаш мезон-лари танишади.
	2.5. Гуруҳларга “Дельфи” техникасидан фойдаланган ҳолда қарама-қарши фикр-ларнинг баҳолаш йиғиндиси жадвалини тўлдиришни тавсия этади. Кўрсатмалар беради. (5-илова).	
	2.6. Ватман-қоғозларга чизилган жадвал-ларни назоратдан ўтказиб, талабаларнинг тақдимотини тинглайди. Фикрларни умумлаштириб хулоса қилади.	
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбат-лантиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Инсерт услубидан фойдаланилган ҳолда кейинги мавзунини уйда ўқиб келиш вазифасини топширади (6-илова).	ЎУМ га Қарайди

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(7.2)-Илова.

Талабаларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари				
		Ўтилган мавзуни тўлиқ билади	Фаол-лик	Мисолларни келира олади	жами	
	Балл	1,0	0,5	1,5	3	
1.						
2.						
3.						

Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари.

Гуруҳ	1	2	3	Умумий балл	Баҳо

2,2 -3 балл –“аъло”
1,2- 2,1 балл- “яхши”
0,5-1,1 балл- “қониқарли”

2(7.2)-Илова.

Мавзу бўйича тайёрланган топшириқлар.

1-гуруҳ.

Уйғониш даври тушунчаси уни даврлаштириш масаласи.

2-гуруҳ.

IX-XII асрлар Шарқ Уйғониш даврида табиий фанларнинг ривожла-ниши.


3-гуруҳ.




Шарқ Уйғониш даври қандай хусусиятларга эга.

3(7.2)-Илова.

“Ажурли арра” қондалари

1. Топшириқни бўлиш: Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гуруҳлар: ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини олади ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гуруҳлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талабалар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.
4. Бирламчи гуруҳлар: Талабалар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.





1. Топширикни бўлиш: Топширик ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гуруҳлар: Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини олишади ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гуруҳлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талабалар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.
4. Биринчи гуруҳлар: талабалар ўзларининг биринчи гуруҳларига қайтариб ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

4(7.2)-Илова.

«Блиц-сўров» саволлари

1. Шарқ уйғониш даври маданияти уни даврлаштириш масаласи.
2. Шарқ Уйғониш даврида хаттотлик маданияти қай даражада ривож-ланди?
3. Бу йил юртимизда “Маъмун академиясининг неча йиллиги нишонла-нади?”
4. “Яхши одамлар амалга интилиши керакми? Ҳа. У агар интилмаса ёмон одамлар амални эгаллайди”-деган фикр ким томонидан айтилган.
5. Исмоил Сомоний мақбараси қайси шаҳарда жойлашган?
6. “Қутадғу билик” асари ким томонидан ёзилган?

5(7.2)-Илова

“Дельфи” жадвалини тўлдириш

Талабаларнинг исми ва шарифи	Шарқ уйғониш даври ва унинг асосий омилларини кўрсатиб беринг.								
	1.			2.			3.		
	Д	М	К	Д	М	К	Д	М	К
Кўпайтма йиғиндиси									

Д – даража баҳо.

М – мўқобил баҳо.

К – кўпайтма.

1 – энг юқори балл.

10 – паст балл.

“ИНСЕРТ” техникасидан фойдаланиб ишлаш қондаси

Маъруза матнини ўқиб, матн четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқишингиз лозим.

- Биаламан.

- Мен учун янги маълумот,

- Мен билган маълумотни инкор қилади.

? – Қўшимча маълумот (Аниқлаштириш талаб қиладиган қўшимча маълумот).

Тестлар

1. Марказий Осиёда илк ренессанс (уйғониш) қайси асрларга тўғри келади?

А) Миллоддан аввалги V-IV асрларга

Б) Миллодий IX-XII асрларга

В) XIV-XVI асрларга

Г) XVIII-XIX асрларга

Д) XIX-XX асрларга

2. Ал Фарғоний Марказий Осиё илм фани тараққиётида ўзининг қандай кашфиёти билан машхур?

А) юлдузлар ҳолатини ўрганиш

Б) ҳаракатни кузатиш

В) глобус

Г) минералларни текшириш

Д) қадимги турк адабий тилига асос солиш

3. Ал Хоразмий қайси фанга асос солган?

А) география

Б) чизмачилик

В) физика

Г) алгебра

Д) фалакшунослик

4. Имом ал Бухорийнинг ислом дунёсида энг ишончли ҳадислар тўплами сифатида машхур бўлган 4 жилтли йирик асари қандай номланади?

А) Ал-адаб ал муфради

Б) Тарихий Бухоро

В) Кито ул-фавонд

Г) Ал-Жоме ас-сахих

Д) Шамоилий Муҳаммадия

5. Марказий Осиё ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва сўфиизм ғояларини шеърӣ ифодалаган девони хикмат асар кимнинг қаламига мансуб?

А) Сўфӣй Оллаёр

Б) Хўжаназар Хувайдо

В) Сулаймон Бақирғонӣй

Г) Аҳмад Яссавӣй

Д) Баховуддин Нақшбандий

8 мавзу	ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ
-------------------	--

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 52	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Информацион маълумотга эга бўлган баҳс-мунозарали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Темур ва темурийлар давлатининг ижти-мой-иктисодий, маданий-маиший тараққиёти. 2. Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат. 3. Илм фан ва адабиёт. 4. Санъат, фалсафа ва дин.
<i>Машғулоти мақсади:</i> Темур ва темурийлар даврида маданият, илм-фан, адабиёт, иқтисодиётнинг юксак даражада ривожланганлиги ҳақида тушунча ҳосил қилади, умумий тасаввурни шакллантиради.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти-ни ёритиб беради; • меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат намуналари ҳақида маълумот беради; • Темур ва темурийлар даврида илм фан ва адабиётнинг қай даражада ривожланганлиги тушунтириб беради; • санъат, фалсафа ва дин ривожланганлик даражасини ёритиб беради;	• Темур ва темурийлар давлатининг юксак тараққиёт даражасини айтиб беради; • Темур ва темурий томонидан яратилган маданият намуналари ҳақида маълумотга эга бўлади; • илм фан ва адабиётнинг қай даражада ривожланганлиги ҳақида тушунча ҳосил қилади; • маданиятнинг санъат, фалсафа ва дин каби йўналишлари ривожланганлик даражасини айтиб беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, баҳс-мунозара, каскад.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва	1.1. Ўқув машғулотлари мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Тинглайдилар.

мавзуга кириш. (10 минут)	1.2. Талабаларнинг машғулотдаги фаоли-ятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезон-лари билан таништиради.(1-илова).	Тинлайдилар. ЎУМ га қарайдилар.
	1.3. Саволлар бериб суҳбат тарзида талабалар билимларини жонлантиради. (2-илова).	Мавзу номини ёзиб оладилар.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзунинг мазмунини очиб беради ва шарҳлаб боради. Маърузанинг асосий жойларини конспект дафтарига ёзиб бориш кераклиги уқтиради. Талабалар таянч маълумотлар билан танишганларидан сўнг қуйидаги топши-рикни эълон қилади. Экранда берилган топширикларга оғзаки жавоб берадилар. (3-илова). Берилган топшириклар бўйича топ-ширикларни бажаришни ташкиллашти-ради. Бир неча жуфтликлар топширган оғзаки жавоб натижалари текширилади ва хулосаланади.	Тушунчаларни санаб берадилар.
	2.2. Экранда кўрсатилган маълумотлар асосида “Каскад” техникасидан фойдала-нилган ҳолда уларни талқин этишга оид мисоллар мазмунини тушунтиради. Ба-жариш бўйича маслаҳатлар беради. Кузатиб боради. (4-илова).	Тинглайдилар
	2.3. Кутилган натижалар (спутник ожи-дание) асосида экрандаги тушнчаларни оғзаки равишда изоҳ беришни ташкил-лаштиради. Жавобларни таққослайди ва хулосалайди.	Схема-слайдлар-нинг мазмунини муҳокама қилиб борадилар ва савол берадилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади (5-илова).	Тинглайдилар.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тала-балар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Мустақил ўрганиш учун топширикларни ёзиб оладилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқур-лаштириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайдилар.
	3.4. Мавзу бўйича семинар топширик-ларини беради.	ЎУМ га қарайдилар.

ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1(8.1)-Илова

Талабаларни ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мезонлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Ўтилган мавзуни билишиди	Гуруҳ фаол	Муаммони ечиш учун таклифлар беришиди	Жами
	Балл	1,0	0,5	1,5	3
1					

2					
3					

Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

<i>Гуруҳ</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>Жами балл</i>	<i>Баҳо</i>
1					
2					
3					

2,2 – 3 балл – аъло

1,2 – 2 балл – яхши

0,5 – 1,1 балл – қониқарли

0 – 0,5 балл – қониқарсиз

Мавзуни жонлантириш учун саволлар

1. Темур ва темурийлар даври Марказий Осиё маданиятида қандай ўрин тутди?
2. Амир Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида нималарга алоҳида эътибор берган?
3. “Қудратимизни кўрмоқ истасангиз биноларимизга боқ” ибораси ким томонидан қаерга ёзилган?
4. Тошкент вилоятидаги Занги ота мақбараси ким томонидан бунёд этилган?

3(8.1)-Илова

1-топшириқ

1. Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда маданият раванқининг омиллари ва шарт-шароитлари.
2. Нима сабабдан Европа давлатларида Амир Темур шахсига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кучли?
3. Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараси ким томонидан барпо этилган?
4. Темурийлар даврида қандай шоир ва ёзувчилар яшаб ижод этишган?

2-топшириқ.



Берилган таянч сўзларни шарҳлаб беринг ва таянч сўзларни ёзишни давом эттиринг.


Салтанат;
Бағдод;
Бибиҳоним;
Мақбара;
Зафарнома;

4(8.1)-Илова

“Каскад” техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради: Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қobiliятини фаоллаштириш.





5(8.1)-Илова

1-слайд

“Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида шарқу-ғарб давлатларига ўрнатилган ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темур маданият ва дин ахлларига кўрсатган чексиз меҳру-мурувват айниқса ибратлидир”

Ислом КАРИМОВ

2-слайд

“Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, ҳонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига раҳбарлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим”

Амир ТЕМУР

3-слайд

“...айниқса Бобур билан Акбаршоҳ Ҳиндистонда Темур даврида Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида пайдо бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирдилар”

Иброҳим МЎМИНОВ

8.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 26	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти. 2. Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат. 3. Илм фан ва адабиёт. 4. Санъат, фалсафа ва дин.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i>
• мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратди;	• Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиётини

